

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH**

**Жиноят-жиноят-процессуал муносабатларни
ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга
йўналтирилган илмий мақолалар**

МАХСУС СОҲ



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

"Ҳуқуқий тадқиқотлар" журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Правовых исследований"
Editorial Board Journal of law research

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Аҳмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto
(Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчеҳра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee
(South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юридик фанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой,
Рузиназаров Рустам, Рузиев Шухрат,
Шомухамедова Замира, Баратов
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юридик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Эсанова Замира
Нормуродовна, Эгамбердиев Эминжон,
Мамасидиқов Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич
(Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,
ю.ф.н., доц. Салаев Нодирбек Сапарбаевич
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н.,
проф. Кудрявцев Владислав Леонидович
(Российская Федерация)

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,
ю.ф.д. Мирзаев Азиз

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Джансараева Рима Ернатовна (Республика
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,
ю.ф.д. Мирзаев Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),
д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич
(Российская Федерация), Проф. Рыжак
Александр Петрович (Российская Федерация),
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров
(Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен
(Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс
(Республика Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодирюридик,
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,
ю.ф.н., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Бахтиёр Халилович Пўлатов, Хуршид Акрамович Каримов, АЙБСИЗЛИК ПРИЗУМПЦИЯСИ, УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА МОҲИЯТИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА.....	5
2.Махсудов Жўрабек Жумакулович, КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ - ҚОНУНЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	10
3.Ганиев Шерзод Алишерович, АХЛОҚҚА ҚАРШИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	17
4.Алгиев Раззоқ Саидович, ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	21
5.Розимова Қундуз Юлдашевна, ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР.....	32
6.Умаров Бекзод Азаматович, ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА МАЪМУРИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ВА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	37
7.Юсупова Нигора Жалолиддин қизи, ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҚОИДАЛАРИ.....	46
8.Юлдашева Феруза Улугбековна, ПОРЯДОК ПРОВЕДЕНИЯ КОНКУРСА НА ЗАМЕЩЕНИЕ ВАКАНТНОЙ ДОЛЖНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ.....	58
9.Худайбергенов Бахрам Куанышбаевич, ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ АНТИКОРРУПЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СТРАНАХ АЗИАТСКОГО РЕГИОНА (СИНГАПУР, ЮЖНАЯ КОРЕЯ, КНР).....	64
10.Холмирзаев Ўткирбек Пахлавонович, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ: ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ (GESELLSCHAFTEN) ВА ШЕРИКЧИЛИК (PARTNERSHIP) ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....	71
11.Бахтиёр Батирович Хидоятлов, ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12.Фазилов Икром Юсупович, Ганиев Шерзод Алишерович, ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ, ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА МУНДАРИЖА ҚИСМИНИ КИРИТИШ ҲАМДА МОДДАЛАРНИНГ ҚИСМЛАРИ ВА БАНДЛАРИНИ РАҚАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ЖИНОЯТ КОДЕКСИ МИСОЛИДА).....	88


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Бахтиёр Халилович Пулатов,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси профессори,
Юридик фанлар доктори,

Хуршид Акрамович Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

АЙБСИЗЛИК ПРИЗУМПЦИЯСИ, УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА МОҲИЯТИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада айбсизлик презумпцияси шахс ушланган вақтдан бошлаб, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар амалда бўлиши, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, бу институтнинг тарихий ривожланиш манбаалар, хориж ва миллий тажриба ёритилган.

Калит сўзлар: Айбсизлик презумпцияси, одил судлов принципи, айблов ҳукми чиқариш асослари, адолат ва қонун устуворлиги, ҳимояланиш ҳуқуқи, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш, қийноққа солишга қарши курашиш, халқаро стандартлар.

Бахтиер Халилович Пулатов,
Профессор Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан,
Доктор юридических наук

Хуршид Акрамович Каримов,
Исполняющий обязанности заведующего
кафедры Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан,

Доктор философских наук в области права (PhD)

ПРЕЗУМПЦИЯ НЕВИНОВНОСТИ, ЕЕ ПРАВОВОЙ СТАТУС И СУЩНОСТЬ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены вопросы действие презумпции невиновности со времени задержания личности в плот до вступления судебного приговора в законную силу, все сомнения возникшие при применении закона толкуются в пользу подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, исторические особенности развития этого института, зарубежный и национального опыт.

Ключевые слова: Презумпция невиновности, принципы правосудия, основания обвинительного приговора, справедливость и верховенства закона, право на защиту, сбор, проверка и оценка доказательств, борьба против пыток, международные стандарты.

Bakhtiyor Khalilovich Pulatov,
Professor of the Academy
of Prosecutor General's Office
of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law

Khurshid Akramovich Karimov,
Acting Head of the Department of the Academy
of the Prosecutor General's Office
of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law

THE PRESUMPTION OF INNOCENCE, ITS LEGAL STATUS AND ESSENCE: INTERNATIONAL AND NATIONAL EXPERIENCE

ANNOTATION

The article discusses the validity of the presumption of innocence from the time the person was detained in the raft until the court verdict comes into force, all doubts arising from the application of the law are interpreted in favor of the suspect, accused, defendant, historical features of the development of this institution, foreign and national experience.

Keywords: The presumption of innocence, the principle of justice, the founding of a guilty verdict, justice and the rule of law, the right to defend, collect, verify and evaluate evidence, the fight against torture, international standards.

For citation: Bakhtiyor Khalilovich Pulatov, Khurshid Akramovich Karimov. THE PRESUMPTION OF INNOCENCE, ITS LEGAL STATUS AND ESSENCE: INTERNATIONAL AND NATIONAL EXPERIENCE. 2019, special vol., issue 3, pp. 5-9

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 моддасида айбсизлик

презумпцияси, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилишга ҳамда шахснинг жисмоний ва руҳий дахлсизликка бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланган. Айбсизлик презумпцияси одил судлов принципи сифатида дастлаб Франциянинг 1789 йилги "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари" Декларациясининг 9-моддасида баён қилинган. Унга мувофиқ, "Айбсизлик презумпцияси" (лотинча "praesumptio innocentiae" - айби исботланмагунча айбсиз ҳисобланади) жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслигини англатади. Мазкур қоида бугунги кунда жиноят ишларини юритишга оид принципларни ажралмас қисми ҳисобланади.

Айбсизлик презумпцияси шахс ушланган вақтдан бошлаб, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар амалда бўлади. Шахс фақат суд ҳукми билангина айбли деб топилади, бошқа бирон давлат органи бундай ваколатга эга эмас. Яъни шахсни жиноят содир этганлиги учун айбдор деб фақат суд топиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида "айбсизлик презумпцияси" тамойили мустақил принцип сифатида мустаҳкамланган. Ушбу принцип қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Жиноят-процессуал кодексининг ушбу тамойили шахсни айби албатта қонунда белгиланган тартибда исботланишини ҳамда суд томонидан чиқарилган айблов ҳукмини қонуний кучга кириши талаб этилишини англатади. Мазкур тамойил шахсни то суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунга қадар унинг айбсизлигини англатади ҳамда суднинг қонуний, асосли ва адолатли чиқарган ҳукми кучга кирганидан кейингина давлат шахснинг айбдорлигини, жазога сазоворлигини тан олади. Агар ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест билан мурожаат қилинган бўлса, ҳукмнинг ижроси тўхтатилади. Бундай ҳолда таъкидлаш жоизки, айбсизлик презумпциясининг кафолати сақланиб қолади.

Айбсизлик презумпциясининг моҳияти ва объектив ҳуқуқий ҳолати ҳам айнан шунда. Унгача жиноят судлов ишларини юритувчи мансабдор шахслар, шунингдек, бошқа корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ва фуқаролар айбланувчига айбдор деб қарашга ҳақли эмаслар; - "гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас". Яъни исбот қилишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади; - "айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак".

Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасида айблов ҳукми чиқариш асослари мустаҳкамлаган бўлиб, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Одил судлов фақат қонун асосида амалга оширилади. Одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятга бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашуш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 236-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Айбсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқни амалга оширишда ҳимояга бўлган ҳуқуқни таъминланиши муҳим ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси 1-қисмида "судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади" деб мустаҳкамланган. Жиноят-процессуал кодексида "Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш" жиноят процесси принципи сифатида мустаҳкамланган.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида "гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади" деб белгиланган. Яъни ушбу қоида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш мажбурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасида эканлигини англатади. Жиноят - процессуал кодексининг 49 - моддасига асосан "ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади". Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида эса "агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда сақланаётган ёки уй қамоғида бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатсиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли" эканлиги мустаҳкамланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 487-моддасига асосан ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса, қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб тан олинади ҳамда мазкур кодексининг 484-моддасига асосан ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлади.

Айбсизлик презумпцияси дунёнинг бир қатор мамлакатларининг конституцияларида ҳам (Франция, Испания, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Польша ва бошқа) бевосита мустаҳкамлаб қўйилган. "АҚШ Олий суди 1895 йилги қарорида айбсизлик презумпцияси айбланувчини жиноят процессидаги ажралмас ҳуқуқи эканлиги мустаҳкамланган"[1].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари

умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида "жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир"[2] деб белгиланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 14-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эгаллиги, шунингдек, ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жиноий иши кўриб чиқиляётганда тўлиқ тенглик асосида ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган оқловчи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятларга эга бўлиши мустаҳкамланган бўлиб, мазкур қоида ва тамойиллар мамлакатимиз Конституциясининг 26-моддасининг 1-қисмида тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиб, улар халқаро стандартларни тўлиқ ўзида акс эттиради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Д.Р.Танхайм. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2013 йил 1-сон, 14-б (D.R.Tanheim. Bulletin of Higher Courses of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan, 2013, №1. -P 14)
2. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар, масъул муҳаррир ю.ф.д., профессор - А.Х.Саидов, "Адолат" -2002 й (International contracts of the Republic of Uzbekistan and international human rights, Editor-in-charge Doctor of Law, Professor - A.Saidov, "Adolat", 2002).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.01 ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ
ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ**

Махсудов Жўрабек Жумакулович,
Чилонзор тумани адлия
бўлими бошлиғи
E-mail: jurabek7878@mail.ru

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ - ҚОНУНЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-2>

АННОТАЦИЯ

Бош қомусимиз қабул қилинишидан асосий мақсад ва вазифаси ҳамда бош масаласи фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлашдир ҳамда инсон ҳуқуқи, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бурчи масаласидир. Конституциямизнинг муҳим хусусиятларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва кафолатланишидир. Инсон ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларига эга бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Калит сўзлар: Конституция, демократия, фуқаролик жамияти, ҳуқуқ, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарғибот.

Махсудов Жўрабек Жумакулович,
Начальник отдела юстиции
Чиланзарского района
E-mail: jurabek7878@mail.ru

КОНСТИТУЦИЯ И ПРАВОВАЯ КУЛЬТУРА - ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЫМ ФАКТОРОМ В ПРОДВИЖЕНИИ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

АННОТАЦИЯ

Основными целями и задачами принятия нашей Конституции являются стремление граждан вести достойную жизнь, строить демократическое правовое

государство, обеспечивать мир и национальное согласие, а также вопрос о правах человека, свободе, чести, достоинства.

Один из важных особенностей нашей Конституции является государственная защита и гарантия прав и свобод человека. Человек имеет политические, экономические и социальные права, а его права и свободы защищены Конституцией и законами.

Ключевые слова: конституция, демократия, гражданское общество, право, правовая культура, правовая пропаганда.

Makhsudov Jurabek Jumakulovich,
Head of Justice Department
of Chilanzar district
E-mail: jurabek7878@mail.ru

CONSTITUTION AND LEGAL CULTURE AS AN IMPORTANT FACTOR IN PROMOTING LEGISLATION

ANNOTATION

The leading goals and objectives of the implementation of our Constitution are the desire of citizens to lead a dignified life, build a democratic rule of law, ensure peace and national harmony, as well as the issue of human rights, freedom, honor, dignity and duty.

One of the important features of our Constitution is state protection and the guarantee of human rights and freedoms. A person has political, economic and social rights, and his rights and freedoms are protected by the Constitution and laws.

Keywords: constitution, democracy, civil society, law, legal culture, legal advocacy.

For citation: Makhsudov Jurabek Jumakulovich. CONSTITUTION AND LEGAL CULTURE AS AN IMPORTANT FACTOR IN PROMOTING LEGISLATION. 2019, special vol., issue 3, pp. 10-16

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда ҳуқуқий давлат барпо этишда жамиятнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш баробарида, республикамизнинг барча суд-ҳуқуқ соҳаларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилиш, ижтимоий ва иқтисодий соҳада ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 27 йиллиги нишонланиши олдидан, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот масалалари, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишда қонунларимизнинг тутган ўрни ва аҳамиятини халққа етказиш масалалари ҳуқуқшунослар учун ҳам қарз, ҳам фарз десак муболаға бўлмайди.

Зеро қонунлар халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашда улкан аҳамиятга эга. Шу боис, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш - ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишидир.

Жумладан, Конституция - Асосий Қонуниimiz бўлиб, унда давлат ва жамият

қурилишининг ҳуқуқий асосини ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқини инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулияти, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таянилганлиги, демократия ва ижтимоий адолат садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашни асосий мақсади сифатида белгилаб қабул қилинди. Шу боис, инсон ҳуқуқлари, давлат суверенитети, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқ қоидалари, ҳуқуқий давлат, ҳокимиятни тақсимланиши тамойиллари, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик ғоялари Конституциянинг асосий жиҳатларини белгилаб беради.

"Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт".[1]

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Миллий қадриятлариятларимизни ўзида мужассам этгани таҳсинга сазовордир.

Конституциявий нормаларни амалга оширишда инсон, жамият ва давлат манфаатларини ўзаро муносабати адолатли демократик жамият қарор топишига сабаб бўлади.

"Адолатли демократик жамият фақатгина инсон, жамият ва давлат манфаатларининг бирлиги ва мутаносиблиги негизида барпо этилиши мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларнинг асосини қонунийлик ташкил этмоғи лозим".[2]

Конституциямизда ҳокимият масаласига катта эътибор берилгани ҳолда Ўзбекистонда ҳокимиятнинг субъекти халқ бўлиб, Конституциянинг 7-моддасига кўра, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" Халқи номидан фақат Олий Мажлис ва Президент иш юритиши мумкин. Конституциянинг 10-моддасида: "Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин", бошқа бирорта давлат органи, партиялар, диний ташкилот ёки бирор бир нодавлат ташкилоти халқ номидан гапиришга ҳақли эмасдир".

Асосий Қонунимизнинг бош масаласи инсон ҳуқуқи, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бурчи масаласи ҳисобланади. Конституциянинг 13-моддасида белгиланганидек, инсон ким ва қандай ижтимоий шарт-шароитда яшамасин, у қонун олдида барча билан баробар. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституцияда тенглик, озодлик, эркинлик, ўзаро ҳамкорлик ғоялари қайд этилган. Инсон ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларига эга бўлиб, унинг ҳуқуқлари давлат томонидан муҳофаза қилинади ва қафолатланади.

Эътибор берсак, Конституциянинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига ба-ғишланган бўлиб, унда умумий қоидалар қатъий қилиб белгилаб қўйилган, жумладан, 18-моддада: "Ўзбекистон

Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Барчанинг қонун олдида тенглиги ва имтиёзлар фақат қонунда белгиланган бўлиши билан характерланади".

Яна бир ўзига хос томони шундаки, Конституциянинг 21-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик белгиланади. Фуқаролик ҳамма учун тенгдир. 22-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси мамлакат ичкарисида ҳам унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунчилик тарғиботига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Конституциямиз ва қонунларимизни тарғиб этиш инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. "Мутасадди идоралар томонидан амалга оширилаётган қонунчилик тарғиботи ҳам тизимли йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳуқуқий билимларни, қонунларнинг мазмун-моҳиятини таълим масканлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет ресурсларидан, адабиёт, санъат, диний муассасалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда, самарали усуллар билан тарғиб қилишимиз зарур." [3]

Мамлакатимиз конституциясида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам белгилаган. Жумладан, 24-моддада белгиланганидек, ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга, унинг соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар энг оғир жиноятлардир. Асосий қонуннинг 25-модда: "Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир" Жиноят содир этилганликда айбланаётган шахс судда ошқора кўриб чиқилмагунча у айбдор деб ҳисобланмайди. (26-модда). Судда айбланаётган шахс учун ўзини ҳимоя қилиш шароитлари таъминланади.

Шу билан бирга, Конституциянинг 29-моддасига кўра: Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга, ҳар ким ўзи исталган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгадир. Албатта, Конституциявий тузумга қарши қаратилган ва қонунларда ман этилган бундан мустаснодир.

Эътибор берсак, 30-моддада: Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга уларнинг ҳуқуқи ва манфаатларига даҳлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги ўз ифодасини топган.

Конституциянинг устувор жиҳатларидан бири бу виждон эркинлиги ҳамма учун бирдай кафолатланганлигидадир (31-модда). Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга бўлди. Диний қарашларни аҳоли ўртасида мажбурлаб сингдиришга қонунда йўл қўйилмайди.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари эса, Конституциянинг 32-35-мод-даларида кўрсатилган. Фуқаролар давлат ва жамият ишларида иштирок этишлари бевосита (референдум) ўзини-ўзи бошқариш ва вакиллар орқали бўлиши мумкин. Улар қонунга мувофиқ митингларда, йиғилишларда ва намойишларда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролар касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда ва бошқа ташкилотларда камчиликни ташкил этувчи муҳолифат бўлишни ва уни ҳеч ким камситмаслиги ҳам белгиланган. Ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотларига ариза билан мурожат қилиш ҳуқуқига

эгадир. Аризалар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Иқтисодий ва ижтмой ҳуқуқлар 36-42 моддаларда берилган.

Ўзбекистон Конституцияси илк бора мулк ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда, "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлидир" деган ҳуқуқни ҳимоя қилди. Меҳнат қилиш, касб танлаш, дам олиш, ижтмой таъминланиш тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, бепул таълим олиш, каби ҳуқуқлардан фойдаланади.

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлар экан, уларнинг бурчларини ҳам белгилаб беради. Жумладан, 47-52-моддалар бурч масаласига қаратилган. Албатта, ҳуқуқ ва бурч масаласини яхши англаган инсонда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳам юксак бўлади.

Шу боис фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Атроф, табиий-муҳитни асраш, солиқлар ва маҳаллий йиғинларни тўлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Юқоридагиларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бу ҳолатларнинг барчаси фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини белгилайди.

Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда инсон маънавиятини белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳуқуқий маданиятдир. Биз яхши биламизки, демократик жамиятда қонунлар биринчи навбатда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлади. Қонунларни билиш орқали инсонга ҳурмат, инсон ҳуқуқларини қадрлаш фазилатлари ҳамда демократик қадриятларнинг шаклланиши ҳуқуқий маданиятнинг юксак намунасидир. Ҳуқуқий маданият масалаларини ўрганиш, илмий таҳлил этиш- ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб олган Ўзбекистон давлатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Демак, ҳуқуқий маданият дегани - турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этишдир. Ҳуқуқий маданият бу кишиларнинг ҳуқуқий билимларни пухта эгаллашларини ва ўзлари эгаллаган ҳуқуқий билимлардан амалда фойдаланишни ҳам назарда тутди. Маълумки, ҳуқуқий маданият узоқ вақт давомида шаклланади. Жамиятда қабул қилинган қонунлар энг аввало инсонийликка, юксак гуманизмга асосланади. Улар ҳар бир кишидан ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бошқаларга зарар етказмаган, уларни норози қилмаган ҳолда оширишни талаб қилади. Чунки қонунларда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва давлат, ўзига ўхшаган бошқа фуқаролар олдидаги бурчи ва мажбурияти ҳам қатъий белгилаб қўйилади. Шунини унутмаслик керакки, ҳуқуқий маданиятли одам қонунлардан кўрққани учун эмас, балки қонунни ҳурмат қилгани, унинг тимсолида халқ хоҳиш иродасини кўргани учун қонун асосида яшашни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билади. Бизнинг фикримизча, Конституцияни пухта ўрганиш, ундан самарали фойдаланиш, инсон ҳуқуқларини белгиловчи омилларга риоя қилиш, ҳуқуқий маданиятга оид оммабоп адабиётларни кўпроқ чоп этиш, таълим муассасаларида махсус ўқув курслари ташкил этиш, мустақилликнинг инсон манфаатларига қаратилган ҳуқуқий асосларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этиш, радио ва телевидениеда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил қилиш сингари тадбирлар ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий маданиятни шаклланишида ҳуқуқий таълимотнинг таъсири каттадир.

"Ҳуқуқий таълимот нафақат ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғибот, балки ҳуқуқий амалиёт ва ўз-ўзини тарбиялашни ўз ичига олади".[4]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5618-сон Фармонида кўра Республика бўйлаб ташкил этилаётган манзилли тарғибот тадбирлари ўтказилиб уларнинг мақсади фуқаролар, давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришдан иборатдир.

Тарғибот мавзуси ва аудиториясини белгилаб олиш учун аввал маҳаллаларда ва жамоаларда энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган ва мурожаатларда кўтарилаётган муаммоли масалалар ўрганиб, таҳлил қилинади. Сўнг таҳлил натижаларига кўра, тарғибот усули, мундарижаси ва керакливоситалари белгилаб олинади. Шу асосда ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тарғиб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2761-сон қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ижрочилар ва аҳолини хабардор қилиш сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимиз қанчалик билимли, зукко бўлса, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги шунчалик буюк бўлади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, туман-шаҳар адлия органлари томонидан амалга оширилаётган барча тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатларининг асосий мақсади: ёшларимизнинг, айниқса, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ҳуқуқшунослик фанларини чуқур ўзлаштиришларига, қонунларни, ҳуқуқ ва бурчларини пухта эгаллашларини ташкил этишга қаратилгандир. Ёшларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлар, инсон ҳуқуқи масалаларини ўзида ифода этган халқаро қонунчилик ҳақидаги суҳбатлар алоҳида ўрин тутмоқда.

"Ҳуқуқий онг, билим ва маданиятга эга бўлиш жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеидан қатъий назар ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун гоят катта аҳамиятга эга".[5]

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан суд-ҳуқуқ идоралари олдида ходимларнинг ҳуқуқий билим даражасини ошириш, хизмат соҳасида топширилган барча ишларни бажаришда қонунларга оғишмай риоя қилиш ҳамда аҳоли билан ишлашда уларнинг юксак ҳуқуқий саводхонлик даражасини таъминлаш каби ниҳоятда масъулиятли ва долзарб вазифалар қўйилмоқда.

Зеро, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида "Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш ? демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!" деган ҳаётий гоёни мустаҳкамлаш жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 26 йиллигига бағишланган тантанасида сўзлаган маърузаси.// Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. (Speech of President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziaev on the occasion of the celebration of the 26th anniversary of the Constitution at December 7, 2018// Educated generation, entrepreneurial prosperity and friendly cooperation are key to a great future)

2. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. 2 томли. 1-том / Масъул муҳаррир академик Ш.З. Уразаев - Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998,- 51 б. (Tadjikhanov U., Saidov A. The theory of legal culture. Textbook. 2-storey. Volume 1 / Responsible Editor Academician Sh.Z. Urazaev - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 1998, - 51 p.)

3. Адаева О.В. Правовое воспитание как форма профилактики правонарушений в Республике Молдова // В сборнике: тенденции и перспективы развития науки XXI века. Сборник статей Международной научно- практической конференции. 2016. С. 148. (Adaeva O.V. Legal education as a form of crime prevention in the Republic of Moldova // In the collection: trends and prospects for the development of science of the XXI century. Collection of articles of the International scientific and practical conference. 2016.P. 148)

4. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доцент Н.П.Азизов. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -97 б. (Theory of State and Law: Textbook / Responsible Editor, Associate Professor N.P.Azizov. -T .: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2018. -97 p).


5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ПФ-5618-сон Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On radical improvement of the system of raising legal awareness and legal culture in the society" DP- 5618)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.02 КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО**

Ганиев Шерзод Алишерович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
департамент бошлиғи ўринбосари,
Юридик фанлар доктори

АХЛОҚҚА ҚАРШИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ахлоққа қарши маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси, таснифи, ижтимоий хавфига доир масалалар ёритилган. Ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ижтимоий ахлоқ, ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар, порнографик маҳсулотни сақлаш, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни сақлаш, фоҳишанинг шаҳвоний хизматидан фойдаланиш, фоҳишаликни тарғиб қилиш.

Ганиев Шерзод Алишерович,
Заместитель начальника управления
Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан,
Доктор юридических наук

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА АДМИНИСТРАТИВНЫЕ ПРАВОНАРУШЕНИЯ ПРОТИВ ПРАВСТВЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы, связанные с понятием, классификацией и социальным риском административных правонарушений против нравственности. Были внесены предложения по совершенствованию ответственности за эти правонарушения.

Ключевые слова: социальная мораль, преступление против нравственности, хранение порнографической продукции, хранение продукта, который способствует войне и жестокости, используя сексуальные услуги проститутки, содействие проституции.

Ganiev Sherzod Alisherovich,
Deputy Head of Department
of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law

IMPROVING LIABILITY FOR ADMINISTRATIVE OFFENSES AGAINST MORALITY

ANNOTATION

The article covers issues related to the concept, classification and social risk of administrative offenses against morality. Proposals have been made to improve liability for these offenses.

Keywords: social morality, offenses against morality, storing of pornographic products, storing of a product that promotes war or cruelty, using sexual services of prostitute, the promotion of prostitution.

For citation: Ganiev Sherzod Alisherovich. IMPROVING LIABILITY FOR ADMINISTRATIVE OFFENSES AGAINST MORALITY. 2019, special vol., issue 3, pp. 17-20

Ижтимоий ахлоқ - яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шаън, қадр-қиммат, жинсий ахлоқ ва шу каби бошқа масалалар ҳақида тарихан шаклланган, кишилар томонидан кўнгилли тарзда қабул қилинган, жамиятнинг маданий ва маънавий анъаналарида акс этган, жамиятнинг аксарият аъзолари онгида ҳукмрон бўлган (умум эътироф этилган), қарашлар, одатлар ва хулқ-атвор қоидалари мажмуи ҳисобланади.

Ахлоққа қарши маъмурий ҳуқуқбузарликлар деганда, содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, ижтимоий ахлоққа бевосита зарар етказадиган, айбли, гайриҳуқуқий қилмиш қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар тушунилади. Илмий таҳлилларга таянган ҳолда, ахлоққа қарши маъмурий ҳуқуқбузарликларни қуйидагича таснифлаш мумкин: порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 189-м.); зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 1891-модда); фоҳишалик билан шуғулланиш (МЖТК 190-м.).

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар ижтимоий ахлоққа улкан зарар етказиб, жамиятнинг маънавий негизларини ривожлантиришга, унда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтиришга жиддий салбий таъсир этади.

"Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта

хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши кураш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда" [4].

Бугунги гоят таҳликали, маънавий инқирозлар кучайиб бораётган, ахборот гўёки снарядга, оммавий ахборот воситалари эса тажовуз қуролига айлантириляётган замонда "оммавий маданият"ни ҳаммабоп қадрият сифатида тиқиштириш, инсоннинг энг тубан майллари, ҳайвоний ҳирсларини кўзга ш орқали халқни маънавий илдизларидан маҳрум қилишга бўлган уринишлар кучайиб бормоқда.

Глобаллашув жараёнлари тез суръатларда ривожланаётган бир шароитда - бузғунчи кучлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ғаразли мақсадларда фойдаланишмоқда. Оммавий ахборот воситалари, Интернет, кино, санъат, маданият оммавий маданиятнинг полигонига айланиб бормоқда. Манбаларда таъкидланишича, ҳозирда Интернет тармоғидаги маълумотларнинг 70-75 фоизи инсон учун зарар келтирувчи гоёлар ҳисобланади [5]; мавжуд сайдларнинг 12 фоизида порнографик характердаги гоёлар тарғиб қилинмоқда; улардаги оддий болаларбоп ўйинларнинг қарийб 50 фоизида зўравонлик, 40 фоиздан кўпроғида жангарилик намойиш этилади [6]; ахлоқсизликни тарғиб қилаётган Интернетдаги "Одноклассники" сайтига мурожаат қилаётганлар сони 1,5 млрд кишини, сайтга аъзо бўлганлар сони 205 млн нафарни ташкил қилади, уларнинг 8 млн и ўзбекистонлик бўлиб, аксарияти ёшлардир [3]; бутун дунё бўйича фоҳишаларнинг даромади йилига тахминан 186 миллиард АҚШ долларини, фоҳишаларнинг умумий сони тахминан 40-42 миллионни ташкил этади; фоҳишаларнинг 90 % қўшмачиларнинг назорати остида фаолият юритади; Интернетдаги сайтларнинг 12 %ни порнографик мазмундаги сайтлар ташкил этади, ушбу сайтларга ойига тахминан 72 миллион киши киради [1]; ҳар йили дунёда 1 млн. нафардан ортиқроқ болалар фоҳишалик қилишга мажбур бўлишади, ўзга юртларга жинсий мақсадларда ёки болалар порнографиясида фойдаланиш учун олиб кетилади ёки сотиб юборилади [2]; шаҳвоний мақсадда фойдаланилган шахсларнинг ОИТСга чалиниш хавфи анча юқори эканлиги барчани жиддий ташвишлантирмоқда.

Бугунги кунда ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг янги турлари юзага келганлигини инобатга олган ҳолда, бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида, қуйидаги қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилади:

- 1) порнографик маҳсулотни сақлаш;
- 2) зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни сақлаш;
- 3) фоҳишабозлик билан шуғулланиш (фоҳишанинг шаҳвоний хизматидан фойдаланиш);
- 4) фоҳишаликни тарғиб қилиш (ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фоҳишаликни ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида тарғиб қилиш);
- 5) лесбиянлик (аёлнинг аёл билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши).

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг маъмурий-ҳуқуқий чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- ўтказилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларининг тасирчанлигини ошириш, хусусан: аҳоли ўртасида мутахассислар иштирокида мунтазам равишда давра

суҳбатлари, учрашувлар, савол-жавоб кечалари ва семинарлар ўтказиш; аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботнинг кўргазмали шаклидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан аҳоли гавжум жойларда, ташкилот, муассаса, корхоналарнинг ҳудуди, бинолари, йўлаклари ва хизмат хоналарида ҳалол, одоб-ахлоқли бўлиш тўғрисидаги ибратли сўз ва ибораларни, шунингдек ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини акс эттирувчи мазмундаги плакат, баннер, паннолари осиб борасидаги ишларни жадаллаштириш;

- уятсиз-бузуқ, ахлоқсиз ишлар билан шуғулланишга мойил бўлган шахслар билан профилактик суҳбатларни кучайтириш, хусусан жамоат жойларида уятсиз-бузуқ, ахлоқсиз ишлар (уятли кийимларда юриш, шилқимлик қилиш, ўпишиб ўтириш ва бошқ.) билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тарбиявий чораларни кўриш вазифасини бажарадиган жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш;

- зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғиб қилувчи компьютер ўйинлари билан бир қаторда, ўзбек менталитетига салбий таъсир қиладиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган компьютер ўйинларини ҳам тақиқлаш.

Мухтасар қилиб айтганда, юқоридаги таклифларнинг инobatга олиниши ахлоқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга муайян даражада ҳисса қўшади.

Иқтибослар/Сноски/References


1. Sexual exploitation and prostitution and its impact on gender equality // URL: [http://www.europarl.europa.eu/RegData/etudes/etudes/join/2014/493040/IPOL-FEMM_ET\(2014\)493040_EN.pdf](http://www.europarl.europa.eu/RegData/etudes/etudes/join/2014/493040/IPOL-FEMM_ET(2014)493040_EN.pdf).
2. Болаларни ҳимоя қилиш: Парламент аъзолари учун қўлланма / Тарж. А. Умирзоқов. - Т.: "Konsauditinform-Nashr" нашриёти, 2006. -- Б. 83; Ҳамраева Ш.Ҳ. Аёллар траффиги (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. - Т., 2004. - Б. 5 (Child Protection: A Parliamentary Handbook / Tran. A.Umirzakov. - Т.: "Konsauditinform-Nashr" Publishing house, 2006. - P. 83; Khamraeva Sh.H. International Legal Problems in Eliminating Trafficking in Women: The Law. science. Candidate ... dis. autoref. - Т., 2004. - P. 5).
3. Закурлаев А. Диний ақидапарастлик - жамиятга таҳдид // Postda. - 2016. - 20 февраль (Zakurlaev A. Religious fanaticism - a threat to society // in the Post. - 2016. - February 20).
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -- Т.: "Маънавият", 2010. - Б. 117-118 (Karimov I.A. High spirituality is an invincible force. -- Т.: "Spirituality", 2010. - P. 117-118).
5. Соипов Б. Инсон онги учун курашнинг янги шакллари // Постда. - 2015. - № 52. - Б.10 (Saipov B. New forms of struggle for the human mind // in the Post. - 2015. - № 52. - P. 10).
6. Умирзаков Б.А. Вояга етмаганлар ва ёшларни "оммавий маданият" хуружлардан ҳимоя қилиш // Криминологиянинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2014 йил 18 январь). -- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. - Б. 146 (Umirzakov BA Protection of minors and youth from attacks on "mass culture" // Actual issues of criminology: Materials of the Republican scientific-practical conference (January 18, 2014). - Т.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2014. - P. 146).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.08 УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО–ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО**

Алтиев Раззоқ Саидович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: abdurazzoq.1983@gmail.com

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-4>

АННОТАЦИЯ

Муаллиф фирибгарлик жиноятининг объекти ва объектив томонининг назарий жиҳатларини ёритиш асосида, мазкур жиноятни квалификация қилишда уларнинг аҳамиятини таҳлил қилган.

Калит сўзлар: фирибгарлик, мулк, алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш, фирибгарлик жинояти объекти, фирибгарлик жинояти объектив томони

Алтиев Раззоқ Саидович,
самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: abdurazzoq.1983@gmail.com

УГОЛОВНО-ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОБЪЕКТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ МОШЕННИЧЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор на основе раскрытия теоретических признаков объекта и объективной стороны мошенничества анализирует их юридическую значимость при квалификации мошенничества.

Ключевые слова: мошенничество, имущество, обман, злоупотребление доверием, объект мошенничества, объективные признаки мошенничества.

Altiev Razzoq Saidovich,
Independent researcher

of the Tashkent State University of Law
E-mail: abdurazzoq.1983@gmail.com

CRIMINAL-LEGAL VALUE OF OBJECTIVE FEATURES OF FRAUD

ANNOTATION

In this article the author on the basis of disclosure of theoretical features of object and the objective party of fraud analyzes their legal importance at qualification of fraud.

Keywords: fraud, property, deception, abuse of trust, object of fraud, objective evidence of fraud.

For citation: Altiev Razzoq Saidovich. CRIMINAL-LEGAL VALUE OF OBJECTIVE FEATURES OF FRAUD. 2019, special vol., issue 3, pp. 21-31

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, мулк унинг барча шаклларида дахлсиздир ва унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонунга асосан таъқиб этилади. Мулк иқтисодиёт асосини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк дахлсизлиги, мулк ҳуқуқининг кафолатланиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиёт юнонча атама бўлиб, икки қисмдан иборат: "уй, уй-жой" ва "қоида, қонун" бўлиб, "уй-жойни сақлаш қоидалари" деган маънони англатади [1]. Қадимги Юнонистонда иқтисодиёт уй хўжалигини юритиш маъносида ишлатилган бўлсада, бугунги кунда иқтисодиёт давлат ривожланиш даражасини белгилаб берувчи асосий омилдир.

Сўнги йиллардаги суд статистик таҳлилларида, бозор иқтисодиёти шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тариқасидаги жиноятлар сони кескин ўсиши кузатилаётган. Жумладан Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрдаги "Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш - ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир" номли марузасида 2017 йилнинг 10 ойи мобайнида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга, шундан талончилик 16 фоизга, босқинчилик - 19 фоизга, қотиллик - 21 фоизга, товламачилик - 22 фоизга, безорилик - 34 фоизга камайишига эришилганлиги ва қўрилаётган чораларга қарамасдан, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни кескин камайтиришга эришилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай жиноятларнинг асосий сабаблари фуқаролик муносабатларини қонун доирасида амалга оширмасликка бориб тақалади. Оқибатда бу сода одамларнинг жиноят қурбони бўлишига олиб келмоқдалиги таъкидланди [2].

Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда, текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имкониёт беради.

Иқтисодиёт асосини мулк ва мулкый муносабатлар ташкил этишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида мулк ва мулкый

ҳуқуқлар жиноят қонунининг ҳимоя объектлари сифатида келтирилди. Ҳар қандай жиноят жамият асосига раҳна солиб, унга зиён етказди, шунингдек нормал ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Ҳар қандай жиноятни юридик таҳлил қилишда жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари муҳим аҳамиятга эга.

Фирибгарлик жиноятининг объекти - жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноий қилмиш туфайли ана шу ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинади ва унга зарар етказилади [3 С. 132].

Юридик адабиётларда жиноятнинг объектлари умумий, махсус ва бевосита [3 С. 133] объектларга бўлиб берилган. Шунингдек, бошқа адабиётларда жиноят объекти умумий, махсус, турдош ва бевосита [4] объектларга ажратилган. Назаримизда объектни тўртга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, бўлиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмини тизимлаштиришда айнан объектга кўра таснифлаш қоидаларига амал қилинган бўлиб, объектнинг турларига кўра Жиноят кодекси Махсус қисми тизимлаштирилган. Шу сабабли Жиноят кодекси Махсус қисм бўлимлар, боблар ва моддалардан ташкил топган.

М.Ҳ.Рустамбоев жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган энг устувор ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган умумлашган ҳолда соф ижтимоий категория бўлган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида уларга зарар етказилиши хавфи остида қолади [5], деб таъкидлайди.

"Жиноят объекти тушунчасини таърифлашда жиноий жазога сазовор қилмиш туфайли етказилган ёки етказиш хавфи бўлган зарарнинг моҳияти ва йўналиши тўғрисидаги масала асос қилиб олиниши лозим" [6] лигидан келиб чиқиб, олимлар жиноятнинг объектини: ижтимоий муносабатлар, инсон (одамлар), инсон ҳуқуқлари, муайян ижтимоий (ҳуқуқий) манфаат ёки ижтимоий хавфсизлик [7] деб ҳисоблайдилар.

Ушбу назарий таҳлиллар акси сифатида Жиноят кодексининг 4-моддасидаги қонунийлик принципининг мазмунини келтиришимиз мумкин. Қонунийлик принципида содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши келтирилган бўлиб, ҳар қандай ижтимоий муносабат жиноятнинг объекти бўла олмаслигини, объект жиноят қонунибилан бевосита ҳимоя остига олинган бўлиши лозимлигини билдиради.

Тошкент шаҳри бўйича бўйича 2018 йил ҳолатига фирибгарлик жиноятининг сабаблари ва шарт-шароитлари ўрганилганида фирибгарлик жинояти жами жиноятларнинг 18,1 фоизини ташкил этишини, фирибгарликнинг 70 фоизидан ортиқ қисми фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ҳолатларда содир этилганини кўришимиз мумкин [8]. Таҳлиллар натижаси фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган масалалар, яъни қарз олди-бердиси юзасидан мурожаат қилаётганлик ҳолати аниқланди. Бундай ҳолда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳодимлари фуқароларга бундай масалалар жиноят ҳуқуқининг объектини ташкил этмаслигини ва бу ҳолатда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган масалаларни ҳал этадиган фуқаролик судига мурожаат қилиш кераклигини тушунтирмақдалар. Жумлдан, Тошкент шаҳри мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда фирибгарлик ҳолатлари юзасидан мурожаатларнинг 64 фоизи юзасидан мурожаатлар фуқаролик ёки иқтисодий суд ишларига тааллуқлилиги сабабли жиноят иши кўзгатиш рад этилган.

Фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий нормани ўз ичига олган Жиноят кодекси Махсус қисмининг 10-бобидаги талон-торож қилиш жиноятларининг турдош объекти - "фуқаролик ҳуқуқининг мулк ҳуқуқи институти доирасига кирувчи шахснинг ўз мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши билан боғлиқ мулкӣ муносабатлар ҳисобланади" [9]. Аммо талон-торожнинг объекти сифатида мулк масаласи жиноят-ҳуқуқий назарияда чуқур мунозараларга сабаб бўлган ва бу баҳслар ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Мутахассислар талон-торож қилишнинг объекти сифатида мулкка мулк ҳуқуқи [10], мулкӣ манфаатлар [11], иқтисодий категория [13], юридик категория [13], иқтисодий ва ҳуқуқий категориялар йиғиндиси сифатида [14] қарайдилар ёхуд умуман мулкни жиноятнинг объекти сифатида рад этадилар [15].

Г.Н.Борзенков фирибгарликнинг бевосита объекти турдош объекти билан бир хил [16], деб ҳисоблайди. Лекин фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш мулк билан боғлиқ барча ижтимоӣ муносабатларга зарар етказмайди. Мулкни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоӣ муносабатлар ЖК 10-бобидаги жиноятларнинг турдош объекти сифатида ҳам ашёвий, ҳам мулкӣ мажбурият муносабатларини қамраб олганлиги туфайли ушбу жиноятнинг бевосита объекти билан бир хил бўла олмайди. Фирибгарликнинг бевосита объекти турдош объектнинг бир қисмини ташкил этади, шунинг учун улар бир-бири билан айнан бир хил бўлиши мумкин эмас.

А.И.Рарог мулкнинг муайян шакли: давлат, хусусий, муниципал ёки жамоат ташкилотларининг мулки талон-торожнинг бевосита объекти [17], деб ҳисоблайди. А.П.Севрюков ҳам бу фикрга қўшилади ҳамда фирибгарликнинг бевосита объекти фирибгарлик қилинган мулк тегишли бўлган муайян мулк шакли [18] эканлигини таъкидлайди. Бироқ биз юқоридаги мулоҳазаларга қўшилмаймиз, чунки шахс муайян бир жиноятни содир этаётганда мулкнинг шаклларига эмас, балки муайян бир жисмонӣ шахснинг мулкига тажовуз қилади.

А.В.Шульга ва Г.Н.Борзенковларнинг фирибгарликни квалификация қилишда талон-торож қилинган мулкнинг қандай мулк шаклига тегишлилиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас [19], деган фикрларига ҳам қўшилмаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг махсус объекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоӣ муносабатлар мажмуи бўлса, турдош объекти эса, мулкни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоӣ муносабатлардир, деган хулоса қилиш мумкин. Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулки ёки мулкӣ ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоӣ муносабатлар фирибгарликнинг бевосита объекти ҳисобланади. Айрим турдаги жиноятларда фирибгарлик усул сифатида келади бундай турдаги жиноятлар қўшимча объектли жиноятлар бўлиб, мулк ҳуқуқи даҳлсизлигини кафолотловчи ижтимоӣ муносабатлар қўшимча объект бўлади.

Фирибгарлик жиноятининг предмети ўзганинг мол-мулки ҳисобланади.

Назариётчи олимлар ўзларининг тадқиқот ишларида Жиноят кодексининг ўзгалар мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган моддалари диспозициясидан "ўзганинг мулки" сўзларини чиқариб ташлаш керак, деган фикрлар келтирилади. Назаримизда мулк ёки мулк ҳуқуқининг таалуқчилиги қилмишни квалификация қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунингдек, ЖКда "талон-торож" тушунчасига қонуний тариф келтирилмаганлиги сабабли,

қилмишни квалификация қилишдаги вужудга келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ЖКда мулкнинг юридик статуси аниқ кўрсатилиши лозим.

Адабиётларда мулк деганда, ашё, пул ва қимматли қоғозлар, бошқа мулклар, мулкый ҳуқуқлар тушунилади. Ўз ўринда мулк икки хилда: тор (ашё тариқасидаги мулк) ва кенг (умуман олганда ва бутунлигича мол-мулк) маънода ишлатилган. Н.Г.Иванов ҳақли равишда: "... фуқаролик қонунида нафақат моддий кўринишдаги ашёлар, балки унга бўлган ҳуқуқ ҳам мулк сифатида назарда тутилади. Шу боисдан умумий бир хулосага келиш керак: мулкни аввалгидек ашё сифатида кўриш ва бундай ёндашувни жиноят-ҳуқуқий ёндашув дейиш ёки фуқаролик-ҳуқуқий интерпретацияга қўшилиш керак"лигини [20] таъкидлайди.

Қонунни қўллаш амалиётида тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида мулк тушунчасини қўллашда жиноят ва фуқаролик қонун ҳужжатларида бир хил тушунчаларни қўлланишини таъминлаш лозим. Фуқаролик қонунидаги мулк тушунчаси тўлиқ бўлиб, ушбу тушунча жиноят қонунида мулк тушунчасига ҳам тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мулк тушунчаси фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институтларидан бўлиб, жиноят ҳуқуқида фуқаролик қонунчилигидаги "мулк" тушунчани ўзгартириши ёки бошқа тушунча бериши ноўрин бўлади.

Шундай қилиб, табиий бойликлар, интеллектуал мулк ва шу кабиларни ҳам қамраб олувчи мулк ҳуқуқи объекти билан талон-торож жиноятларининг предмети айнан бир хил эмас.

Р.Қобуловнинг мулк ҳуқуқининг ҳар қандай эмас, балки фақат қуйидаги белгиларга эга объеклари:

- 1) иқтисодий белгиси, яъни объектив иқтисодий қийматга эга эканлиги;
- 2) ашёвийлик белгиси, яъни муайян жисмоний шаклга эга эканлиги;
- 3) ҳуқуқий белгиси, яъни ўзганинг мулки талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин [21], деган фикрлари ўринли деб ҳисоблаймиз.

Фирибгарлик жиноятининг предмети муайян иқтисодий қийматга эга бўлади. Яъни фирибгарлик жиноятининг предмети моддий қийматга эга бўлади. Шу сабабли, фирибгарликжинояти содир этилганида жиноят предмети, яъни тўғридан-тўғри тажовуз қаратилган объект қиймати тегишли процессуал ҳаракатлар орқали баҳоланади ва қиймати аниқланади.

Лотерея билетлари, почта маркалари, конвертлар, ёқилғи-мойлаш материаллари олиш ҳуқуқини берадиган талонлар, метрода юриш учун жетонлар иқтисодий қийматга эга эканлиги учун фирибгарликнинг жиноятининг предмети бўлиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, лотерея билети тираж ўтказилган кунга қадар талон-торож қилинган бўлса, унинг қиймати лотерея сотилган кундаги нархидан келиб чиқади. Агар тираж ўтказилгандан кейин ютуқли лотерея билети фирибгарлик ёки бошқа йўллар билан талон-торож қилинадиган бўлса, етказилган зарар миқдори лотереяга чиққан ютуқ миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Фирибгарликнинг предмети кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин. Суд ҳукмлари ўрганилганида кўп ҳолларда кўчар мулк, шунингдек пул, валюта бойликлари ва қимматбаҳо қоғозлар талон-торожнинг предмети бўлганлиги ўрганилди. Чет эл валютасининг қиймати талон-торож содир этилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмга нисбатан белгиланган харид нархида ҳисобланилади.

Қимматбаҳо металлларга: олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига мансуб металллар, қимматбаҳо тошларга эса - табиий олмос, лаъл, зумрад, рубин, сапфир, александрит ва табиий марварид киради.

Қимматбаҳо қоғозларга, яъни мулкый ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларга: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар

Фирибгарликнинг предмети нафақат мулк, балки унга бўлган ҳуқуқлар ҳам бўлиши мумкинлиги жиноятнинг тугалланган вақтини аниқлаш учун аҳамиятга эгадир. Мулкый ҳуқуқларни ўзида акс эттирувчи ҳужжатлар турли хил фирибгарлик операцияларининг предмети бўлиши амалиётда учрамоқда. Фирибгар қўлга киритилган мулкка нисбатан ҳуқуқларни акс эттирувчи ҳужжатларни олган вақтидан бошлаб, ушбу ҳужжат бўйича фирибгар тегишли мулкни буюм ёки пул эквивалентида қўлга киритганлигидан қатъи назар жиноят тугалланган ҳисобланади. Бошқача айтганда, мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиши натижасида айбдор мулкнинг ўзини ҳам қўлга киритади.

Объектив томондан фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкый ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Жисмоний усул хос бўлган бошқа кўпгина жиноятлардан фарқли равишда фирибгарлик жиноятида айбдор ҳаракатлари ахборот хусусиятига эга бўлади, ёки айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч асосида шаклланган бўлади. Қонунда мулкни эгаллаш ёки мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлиш усули сифатида мазкур талон-торож қилиш шаклининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ёлгон ёки ишончни суиистеъмол қилиш кўрсатилган. Бироқ алдаш ҳали мол-мулкни олиш ва уни жиноятчи фойдасига ўтказиш дегани эмас. Фирибгарлик таркибида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш асосий ҳаракат содир этилишини таъминлайдиган ёрдамчи ҳаракат сифатида амалга оширилади.

Фирибгарликда асосий ҳаракат деганда, жиноят субъекти томонидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш билан шартланган, мулкни мулкдорнинг эгаллигидан айбдор ёки у кўрсатган шахслар фойдасига ўтказиши тушунилади. Худди шу алоқадор ҳаракатлар фирибгарликнинг объектив томони белгиларини ташкил этади. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни "ихтиёрий" равишда бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёхуд мулкый ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради. Шу усулда жабрланувчининг онги ва ихтиёрига таъсир этиш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали фирибгар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказиш мақсадига эришади. Бу ерда алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш талон-торож қилишнинг зарурий усули сифатида гавдаланади.

Жиноятни содир этиш усулларининг ўзига хослигига қараб қонунда фирибгарлик икки турга ажратилади:

- " алдаш йўли билан талон-торож қилиш;
- " ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш.

Суд-тергов амалиёти, шунингдек, жиноят ҳуқуқи назарияси фирибгарликни содир этиш усули сифатида қуйидаги алдаш тушунчасини ишлаб чиққан, яъни

алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёхуд мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан бериши, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай факт бузиб кўрсатилиши ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, агар ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш қасддан содир этилганлиги исботланмаса ва алдаш усули мавжуд бўлмаса, қилмиш фирибгарлик сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Фирибгарликда қасддан ҳақиқатни яшириш воситаси сифатида алдаш жабрланувчига хабар берилиши лозим бўлган факт ёки ҳолатлар ҳақида индамаслик орқали содир этилган бўлса, фирибгарлик алдаш усули билан содир этилган, деб қайд этиш зарур бўлади. Фирибгарлик билан талон-торож қилишга ўлган шахс учун доимий равишда тўловлар олиб туриш мисол бўла олади. Шунга эътибор бериш лозимки, бундай ҳаракатлар тасодифий хусусиятга эга бўлмаслиги лозим. Бунда айбдор вужудга келиши мумкин бўлган хато ҳақида билмайди ва пул маблағларини олиб яширади ҳамда ноқонуний олинган мулкни ўзининг фойдасига айлантиради. Ўзганинг мулкни олиш тасодифий хусусиятга эгаллигини фирибгарлик сифатида квалификация қилиш мумкин эмас.

Алдаш ўтмишдаги, келажакдаги ёки ҳозирги факт ёхуд ҳолатларга нисбатан бўлиши мумкин. Алдаш фирибгарлик билан талон-торож қилиш усули сифатида айбдорни ҳақиқий мақсадларига (масалан, мулкни қайтариб бермаслик мақсадида қарзга олиш); предметга унинг нархи, миқдори ва сифатига (рангли металлдан фойдаланган ҳолда тилла буюмлар сифатида ҳар хил нарсалар ишлаб чиқариш, тўлиқ бўлмаган товарни тўлиқ нархида сотиш) тааллуқли бўлиши мумкин. Алдаш, шунингдек, фирибгарнинг шахси, унинг мансаби ва ижтимоий мавқеи, касбига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, шахс ўзини солиқ инспекцияси ходими сифатида таништиради ва солиқ тўловлари сифатида пул маблағларини олади).

Алдаш таркибига, шунингдек, бевосита мулкни топшириш учун асос ҳисобланмайдиган, лекин жабрланувчи томонидан мулкни топшираётган вақтда ҳисобга олинадиган бошқа ҳолатлар ҳам кириши мумкин. Бундай ҳолатлар сифатида қалбаки гувоҳномани тақдим этиш, "квитанция" ёзиш, қалбаки сертификат кўрсатиш бўлиши мумкин.

Фирибгарлик алдовларининг шакллари хилма-хилдир. Алдаш оғзаки ёки ёзма шаклда, битим предметини қалбакилаштириш шаклида, карта ўйинларини ўйнашда кўзбўямачилик усулларида, ҳисоб-китоб қилишда қалбакилаштирилган тўлов предметларидан фойдаланиш шаклида бўлиши мумкин. Қоида бўйича, фирибгарлик ҳаракати содир этилишида турли хил алдаш шаклларида фойдаланилади.

Фирибгарлик алдови қандайдир моддий воситалардан фойдаланган ҳолда ҳам, уларсиз ҳам содир этилиши мумкин. Жабрланувчининг мулкига тажовуз қилишда алдашнинг моддий воситалари сифатида кўпинча сохта ҳужжатлар ишлатилади.

Айбдор фирибгарликни содир этишда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва ЖК 228-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмайди. Ҳужжатларни сохталаштириш фирибгарлик усули сифатида тан олинмиши мумкин эмас, чунки фақатгина сохталаштириш ҳаракати билан мулкни талон-торож қилиб бўлмайди.

Қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш фирибгарликни содир этишга тайёргарлик кўриш ҳисобланади. Агар шахс қалбаки ҳужжатлардан фирибгарликда фойдалана

олмаса, жиноятлар мажмуи бўйича фирибгарликка тайёргарлик кўриш ва ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жавобгарлик келиб чиқади (ЖК 168 ва 228-моддалари). Шунга эътибор бериш лозимки, агар сохта ҳужжат (касаллик варақаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, маълумотнома ва ҳоказо) фирибгар томонидан тайёрланмаган бўлиб, у бошқа шахс томонидан тайёрланиб, ушбу шахс ҳужжатдан талон-торож қилишда фойдаланишини билган бўлса, унда бу шахс нафақат ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун, балки фирибгарлик орқали талон-торож қилишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади.

Фирибгарлик орқали қалбаки ҳужжатлардан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган турларига ноқонуний равишда юқори иш ҳақи, пенсияга, нафақаларга ва бошқа даврий тўловларга фоиз қўшимчалари олиш кабилар киради. Ушбу ҳолатда фирибгарлик ёлғони таркибига соғлиғи, ёши, меҳнат иш ҳақи, ўртача иш ҳақи тўғрисида ёлғон маълумотлар бериш киради. Айбдор буларни магистрлик, докторлик ёки фан номзоди дипломи, профессор ёки доцент аттестати, врач, ўқитувчи бўлиб ишлаши ҳақидаги "ҳуқуқ ўрнатувчи" ҳужжатлар билан тасдиқлайди. Ушбу ҳаракатлар қисман қайтарилмаслиги ва қасддан содир этилганлиги учун талон-торож қилишнинг барча белгиларига жавоб беради, бироқ унинг миқдорини олинган барча пул маблағи эмас, балки фоиз устамалари ёки оддий ва оширилган иш ҳақлари ўртасидаги фарқ ташкил этади. Масалан, илмий даражага эга бўлмаган давлат олий ўқув юртининг ўқитувчиси томонидан алдаш йўли билан ноқонуний равишда илмий даражаси учун ортиқча пул суммаси олиши. Шу ўринда сохта ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарликни қалбаки диплом орқали ишга жойлаштириш ва шахс эгаллаш ҳуқуқига эга бўлмаган лавозим мажбуриятларини бажарганлиги учун тегишли иш ҳақини олганлик ҳолатидан фарқламоқ лозим. Бу ҳолатда фирибгарлик жиноятининг таркиби йўқ, чунки ўзганинг маблағларини қопламасдан олиш ҳолати мавжуд эмас.

Фирибгарлик сифатида бир шахснинг ўзга шахс, яъни уларни олишга ҳақиқий ҳуқуқи бўлган шахс номидан сохта ишончномани тақдим этиш орқали бошқа шахсга мўлжалланган пул маблағларини олишни алдаш йўли билан турли хил пул тўловларини ўзлаштириш тариқасида квалификация қилмоқ лозим. Фирибгарлик таркибига, шунингдек, жабрланувчига ёмон сифатли арзон нархли буюмларни бериш билан боғлиқ турли хил шартномаларни амалга оширишни (олди-сотди, ижара ва ҳоказо) ҳам киритиш мумкин. Кўп ҳолатларда ўзганинг мулкани эгаллаш имконияти учун қалбаки шартномани тузишнинг ўзи етарлидир. Бу ерда фирибгар умуман мавжуд бўлмаган ёки ўзига тегишли бўлмаган буюм учун пул олиши мумкин.

Фирибгарлик умуман бажарилмаган ёки кам ҳажмда бажарилган иш ёхуд хизматлари учун била туриб олинган сохта меҳнат шартномаси ёки бошқа шартномалар асосида ўзининг фойдасига пул маблағларини ўтказиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Келажакда бажариб бўлмайдиган ишлар учун мажбуриятларни бажариш шарти сифатида пул маблағларини олиш, агар айбдорнинг олинган мажбуриятларни бажармаслик ва пул маблағларини эгаллаб олиш мақсади мавжудлиги аниқланадиган бўлса, фирибгарлик бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Объектив томондан фирибгарлик ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор шахс томонидан ўзганинг

мулкни қонунга ҳилоф равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мол-мулк эгаси ёхуд мол-мулк эгаллиги ихтиёрида турган шахс ўртасидаги алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга ҳилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланиши тушунилмоғи лозим. Ишончга асосланган муносабатлар фирибгар ва жабрланувчи шахс ўртасида прокат, ижара, олди-сотди, топшириқ шартномаси ва ҳоказоларда вужудга келиши мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилишни жиноят содир этиш усули сифатидаги алдашдан фарқламоқ лозим. Шарҳланаётган усулдан фарқли равишда, алдаш жабрланувчида айбдорга нисбатан ишонч муносабатлари шакллантириб, ўз мулкни топшириш мақсадига қаратилган фаол ҳаракатларда ифодаланadi. Бошқача айтганда, ишонч - бу айбдорга жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилиш орқали унинг мулкни эгаллаш учун зарур бўлган бир босқичдир. Айбдор ўзи ва мулкдор ёки бошқа қонуний эгалловчи билан шундай алоҳида ишончни қозониш усулларида фойдаланадики, натижада турли алдашлар орқали жабрланувчининг ишончига кириб олади. Ишончни суиистеъмол қилиш фирибгарлик жиноятининг мустақил усули сифатида камдан-кам ҳолларда алоҳида ҳолда учрайди. Мисол тариқасида бланка имзосини суиистеъмол қилиш (мулкни эгаллаш мақсадида тўлдирилмаган имзоли бланкадан фойдаланиш)ни олиш мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилиш ва алдашнинг ҳар қандай шаклининг моҳияти шундаки, ишончга эришган айбдор жабрланувчида қандайдир ҳолатлар ҳақида нотўғри таассурот уйғотади ва мулки ёки мулкий ҳуқуқларини ўтказиши фойдалилигига ёки мажбурийлигига ишонтаради. Бошқача айтганда, фирибгарликда жабрланувчининг айбдорга ишонгани ёки алдангани сабабли ўзи мулкни ихтиёрий равишда бериб юборади.

Фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра, талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади. Агар айбдор жабрланувчи ишончини суиистеъмол қилиш ёки алдаш натижасида мулкни қўлга кирита олмаса, унда қилмишни фирибгарлик содир этишга суиқасд сифатида квалификация қилмоқ лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. М.: ИНФРА-М, 2007. 495-б. (Reisberg B. A., Lozovsky L. Sh., Starodubtseva E. B. Modern economic dictionary. Moscow: INFRA-M, 2007. 495. P);

2. Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрдаги "Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш - ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир" номли марузаси. www/uza.uz/ (Sh.M.Mirziyoyev's report on November 15, 2017 "Discipline and responsibility, strengthening the environment of crime prevention-the main factor of the effectiveness of criminal profilactics". www/uza.uz/);

3. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм (Дарслик). - Тошкент.: Насаф, 2010. (Usmanaliev M., Bakunov P. Criminal law. General part (textbook). - Tashkent.: Nasef, 2010);

4. Гладких В.И., Курчеев В.С. Уголовное право России. Общая и Особенная

части: Учебник. Под общей редакцией д.ю.н., профессора В.И.Гладких. - М: Новосибирский государственный университет, 2015. -С.37-38. (Gladkikh V. I., V. S. Kurciev Criminal law of Russia. General and Special parts: Tutorial. Under the General editorship of D.Ds, Professor V.I.Gladkikh.- М: Novosibirsk state University, 2015. - 37-38 P);

5. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 1 том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: дарслик. -Тошкент.: илм зиё 2011. - Б.140. (Rustamboev M.H. The course of Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. 1 full. The general part. The doctrine of crime: textbook. - Tashkent.: ILM Ziya 2011. - 140 P);

6. Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. - М.: Норма, 2001. - С. 45. (Novoselov G. p. the Doctrine of the object of the crime. Methodological aspect. - Moscow: Norma, 2001. 45- P);

7. Зателепин О. К вопросу о понятии объекта преступления в уголовном праве // Уголовное право. - Москва, 2003. - № 1. - С.29-31. (Zatelepin O. To the question of concept of object of crime in criminal law // Criminal law. - Moscow, 2003. - No. 1. 29-31- Pp);

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бошқармасининг Фирибгарлик жиноятининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш бўйича умумлаштириш материалларидан (From the materials of the Department for combating organized crime and corruption of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan on the study of the causes and conditions of the crime of fraud);

9. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. - Тошкент: ИЛМ-ЗИҲО, 2011. Т.4. - Б. 11. (Rustamboev M.H. The course of Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. 5 drops. - Tashkent: science, 2011. Т.The four. - 11- P);

10.Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. - Тошкент: Адолат, 2009. - Б. 596. (Legal Encyclopedia of Uzbekistan / R.A. Muhitdinov and others.; responsible editor N.Toychiev. - Tashkent: Justice, 2009. - 596 - P);

11.Наумов А.В. // В кн.: Российское уголовное право. Общая часть: Учебник / Под ред. В.Н. Кудрявцева, А.В. Наумова. - М., 1996. - С. 84, 91-92; Фесенко Е. Объект преступления с точки зрения ценностной теории // Уголовное право. - Москва, 2003. - № 3. - С. 72. (Naumov A.V. // in the book.: Russian criminal law. General part: the Textbook/ Under the editorship of V.N.Kudryavtsev, A.V.Naumov. - М., 1996. - P. 84, 91-92; Fesenko E. The object of crime from the point of view of the value theory // Criminal law. - Moscow, 2003. - No. 3. 72 - P);

12.Гаухман Л.Д. // В кн.: Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. проф. Л.Д.Гаухмана и проф. С.В.Максимова. - М.: Эксмо, 2005. - С. 141-194. (Gaukhman L. D. // In the book.: Criminal law. Special part: Textbook / edited by Prof. L. D. Gaukhman and Prof. S. V. Maksimov. - Moscow: Eksmo, 2005. 141-194 - P);

13.Незнамова З.А. // В кн.: Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Отв.ред. И.Я.Козаченко, Г.П.Новоселов. - М.: Норма, 2008. - С.209. (Neznamova Z. A. // in the book.: Criminal law. Special part: Textbook / Ed.edited by I. Ya. Kozachenko, G. P. Novoselov. - Moscow: Norma, 2008. 209- Pp);

14.Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. В 5-ти томах. - Ташкент: ТГЮИ, 2009. Т.4. - С. 12. (Rustambaev M. Kh. Course of criminal

law of the Republic of Uzbekistan. In 5 volumes. Tashkent: tgui, 2009. Vol. 12 - P);

15.Клепицкий И.А. Собственность и имущество в уголовном праве // Государство и право. - Москва, 1997. - № 5. - С.74-83. (Klepicki I. A. Property and property in criminal law // State and law. - Moscow, 1997. - No. 5. 74-83 - P);

16.Курс уголовного права. Особенная часть. Том 3 / Под ред. Г.Н. Борзенкова ва В.С. Комиссарова. - М.: Зерцало-М, 2002. - С. 388. (The course of criminal law. Special part. Volume 3 / edited by G. N. Borzenkov in a V. С. Komissarov. - Moscow: Zertsalo-M, 2002. 388 - P);

17.Рарог А.И. // В кн.: Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть / Под ред. Б.В. Здравомыслова. - М.: Юристъ, 1999. - С.141. (Rarog A. I. // In the book.: Criminal law of the Russian Federation. The special part / Under the editorship of B.V.Zdravomyslova.- Moscow: Jurist, 1999.141 - Pp);

18.Севрюков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты. - М.: Экзамен, 2004. - С.107. (Sevryukov A. p. Embezzlement of property: criminological and criminal-legal aspects. - М.: Exam, 2004. 107 - P);

19.Шульга А.В. Присвоение или растрата в условиях становления рыночных отношений / Под ред. Р.Р. Галиакбарова. - Краснодар: Кубанский гос. агр. ун-т, 2004. - С.53. (Shulga A.V. Appropriation or embezzlement in the conditions of formation of market relations / ed. P. p. Galiakbarov. - Krasnodar: Kuban state AGR. UNT, 2004. 53 - P);

20.Иванов Н.Г. Парадоксы уголовного закона // Государство и право. - Москва, 1998. - № 3. - С.37. (Ivanov N. G. Paradoxes of criminal law // State and law. - Moscow, 1998. - No. 3. 37 - P);


21.Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дис. докт. юрид. наук. - Ташкент, 1997. - С. 260. (Kabulov R. Criminal and legal measures to combat theft: theory and practice: Dis. Doct. the faculty of law. sciences'. - Tashkent, 1997. 260 - P)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Розимова Кундуз Юлдашевна,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят - процессуал ҳуқуқи ва
криминалистика кафедраси ўқитувчиси
E-mail: yuldashevna84@mail.ru

ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар борасидаги олимларнинг назарий қарашлари, бу борадаги жиноят қонунчилиги нормалари ва Олий суд Пленуми қарорлари таҳлил қилиниб, ушбу масала юзасидан жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жазо, жазо тайинлаш, айб шакли, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, қилмиш, зарар ва б.

Розимова Кундуз Юлдашевна,
преподаватель кафедры
Уголовно-процессуального права и криминалистики
Ташкентского государственного юридического
университета,
E-mail: yuldashevna84@mail.ru

ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, УЧИТЫВАЮЩИЕ ПРИ НАЗНАЧЕНИИ НАКАЗАНИЯ

АННОТАЦИЯ

в статье проанализированы теоретические взгляды ученых по обстоятельствам, учитываемым при назначении наказания, нормы уголовного закона

в данной области, постановления Пленума Верховного суда и разработаны предложения для совершенствования уголовного закона по вышеприведенному

вопросу.

Ключевые слова: наказание, назначение наказания, форма вины, отягчающие и смягчающие обстоятельства, деяние, ущерб и др.

Rozimova Kunduz Yuldashevna,
Teacher of the Department
of Criminal Procedure Law and Criminalistics
of the Tashkent State University of Law
E-mail: yuldashevna84@mail.ru

PUNITIVE CIRCUMSTANCES

ANNOTATION

The article analyzed the theoretical views of scientists in circumstances, taking into account when sentencing, the provisions of the criminal law in this area, the decisions of the Plenum of the Supreme Court and developed proposals for improving the criminal law on the above issue.

Key words: punishment, sentencing, form of guilt, aggravating and mitigating circumstances, act, damage, etc.

For citation: Rozimova Kunduz Yuldashevna. PUNITIVE CIRCUMSTANCES. 2019, special vol., issue 3, pp. 32-36

Таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар олимларнинг илмий доирадаги баҳсли масалалардан бири ҳисобланади. Жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларнинг долзарблиги шу билан изоҳланадики, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тегишли нормаларни такомиллаштиришга, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз [1].

Бугунги кунга қадар жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинadиган ҳолатлар доираси борасида қатъий ягона фикр мавжуд эмас. Бунда бир гуруҳ олимлар жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар доирасини аниқ белгилаб бериш лозим деб ҳисоблайдилар. Масалан, М.Х.Рустамбоев ва Ф.Тохировлар Жиноят кодексининг 54-моддаси иккинчи қисмидан келиб чиқиб жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларга содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини; қилмишнинг сабабини; етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини; айбдорнинг шахсини киритар эканлар бунда улар мазкур ҳолатнинг ўзини икки гуруҳга - жазони енгиллаштирувчи; - жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга ажратадилар[2]. Гувоҳ бўлганимиздек, ушбу олимлар ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар доирасини жиноят қонунчилигидан келиб чиқиб деярли бир хил белгилаб берадилар. Зеро, жиноят қонуни барча назарий қарашлар учун ҳам асос бўлиб ҳисобланади.

М. Усмоналиев суд жазо тайинланаётганда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси; қилмишнинг сабаби; етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори; айбдорнинг шахси; жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар; жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши зарур деб таъкидлайди [3].

Хорижий давлатлар олимларининг бу борадаги қарашларини таҳлил қилар эканмиз, уларда ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар масаласига ёндашув турлича эканлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, В.М.Лебедев жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларга адолатли ва мақсадга мувофиқ жазонинг кафолати сифатида таърифлаб, бунда жиноят қонунидан келиб чиққан ҳолда жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларни алоҳида ажратиб кўрсатади. Яъни содир этилган жиноятнинг усули, мотиви, айбнинг шакли, квалификацияловчи белгилари, ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий аҳамияти муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этадилар. Шунингдек, олимлар жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар қаторига жиноят содир этиш босқичи, жиноят содир қилган жиноятчининг шахсини ўрганиш, унинг илгари судланганлиги, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан бирга жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг оилавий шароити ҳам ҳисобга олинишини таъкидлаб ўтадилар[4].

Яна бир гуруҳ Россиялик олимлар эса жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар заруратини қуйидаги икки омил билан асослайдилар:

биринчидан, таъсир чораларини танлашнинг қонуний чегарасини аниқлаштириш;

иккинчидан, суд жазо тайинлашда инкор эта олмайдиган факторларни аниқлаш.

Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, мазкур гуруҳ олимлари жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтадилар:

- жиноятнинг ижтимоий хавфлилик характери ва даражаси;
- айбдорнинг шахси, унинг психологик ва биологик хусусиятлари, судланганлиги, жиноят содир қилган вақтда қандай алкоголь ичимликлар таъсирида бўлганлиги, жамоат тартибини бузиши ва.б.;
- жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар;
- маҳкумнинг оилавий шароити, яъни бунда унинг оилада ягона боқувчи эканлиги, қарамоғида кекса ота-онаси ва вояга етмаган болалари борлиги;
- содир этилган жиноятнинг якунига етказилганлиги ёки жиноят содир этган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятнинг тугалланмай қолганлиги[5].

А.В.Наумовнинг қайд этишича, жазо энг аввало, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характеридан келиб чиқиб тайинланади. Шунингдек, жазо тайинлашда айбдорнинг шахси, илгари судланганлиги, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, оилавий аҳволини жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида санаб ўтганлар[6].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари берилган бўлиб, унга мувофиқ суд томонидан жазо тайинлашда қуйидагилар ҳисобга олинади: содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси; қилмишнинг сабаби; етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори; айбдорнинг шахси; жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Олий суд жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларнинг ҳар бири юзасидан алоҳида изоҳ берар экан, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар доирасини кенгроқ талқин этиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан изоҳлайди.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига эса ижтимоий хавфлилик хусусиятидан фарқли ўлароқ қилмиш содир этилиши ҳолатлари, яъни жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг ролини киритади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бу миқдор кўрсаткичи ҳисобланади. ЖК Махсус қисми моддасининг санкциядаги жазо тури ва миқдори билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти бу тажовуз қилган объекти орқали аниқланади. Бу эса квалификация қилиш учун зарурий белги ҳисобланади[7].

Айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив омилларга айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолатини киритса, унинг судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеини эса ижтимоий омилларга киритади.

Гувоҳ бўлганимиздек, Олий суд Пленуми қарорида жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар доираси турлича бўлиб, бу борада қонун ҳужжатларида ягона талаблар мавжуд эмас.

Олимларнинг фикрларига кўшимча сифатида шуни таъкидлаш жоизки, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар ва жазо тайинлашнинг умумий асослари битта доирадаги умумий тушунча бўлиб, судлар ЖК 54-моддаси талабларидан келиб чиқиб, жазо тайинлашнинг умумий асосларига ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган нафақат битта балки, барча ҳолатларга ҳам қатъий риоя этишлари лозимлигини таъкидлаш мумкин. Суд ҳукми чиқарилганда ҳисобга олинadиган ҳолатларнинг киритилиши қонунчиликнинг ўзига хослиги, шунингдек ижобий хорижий тажрибанинг (Германия, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Молдава, Беларусия, Тожикистон) мавжудлиги билан боғлиқ.

Юқорида келтирилган олимларнинг қарашларидан келиб чиққан ҳолда ЖК 54-моддаси иккинчи ва учинчи қисmlарига жазо тайинлашнинг умумий асосларига таърифни назарда тутувчи қўйидагича кўшимча киритиш таклиф этилади:

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, жиноят содир этилгунга қадар ва жиноят содир этгандан кейинги хулқини, унга боғлиқ бўлган оилавий ёки шахсий яшаш шароитини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Шахс жиноятлар жами, такроран, рецидив ва бир неча ҳукм бўйича жиноят содир этса, унга нисбатан амалдаги ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида (модданинг қисмида) назарда тутилган оғирроқ жазо тайинланиши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги қарори. 2018 йил 14 май, ПҚ-3723-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон (The Concept of Improvement of Criminal and

Criminal Procedure Legislation of the Republic of Uzbekistan. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Measures for Radical Improvement of the Criminal and Criminal Procedure Legislation". May 14, 2018, P-3723. 15.05.2018, № 07/18/3723/1225, № 01/18/5547/1975)

2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар: Умумий қисм.- Тошкент: Илм-зиё, 2016. - Б. 608.(Rustambaev M.Kh. Comments to the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan: General Part - Tashkent: Science, 2016. - P. 608)

3. М.Усмоналиев. Жазо тайинлаш. -Т: Янги аср авлоди, 2003. -13-36 б.(М. Usmonaliev. Appointment of punishment. -Т: New Age Generation, 2003. P -13-36)

4. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации/Отв. ред. В.М. Лебедев. - 3-е изд., доп. и испр. - М.: Юрайт-Издат, 2004. - С.67-69. (Code of Conduct for the Rossiyskaya Federatsii / Otv. red. V.M. Lebedev. - 3rd ed., Dop. i ispr. - М.: Yurayt-Izdat, 2004. - P. 67-69)

5. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: (постатейный)/ В.К. Дуюнов и др., отв. ред. Л.Л. Кругликов. - Волтерс Клувер, 2005. - С.52-55. (Code of Conduct Code Rossiyskoy Federatsii: (postateyny) / VK. Duyunov i dr., Otv. red. L.L. Kruglikov. - Volters Kluver, 2005. - P. 52-55)

6. Наумов А.В. Практика применения Уголовного кодекса Российской Федерации: комментарий судебной практики и доктринальное толкование. - Волтерс Клувер, 2005. - С.125. (Naumov AV Practice Primerenia - Volters Kluver, 2005. - P.125)


7. Рустамбоев М.Х., Тохиров Ф. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Схема. - Тошкент.: ТДЮИ, 2002. - 76 б. (Rustamboev MH, Tohirov F. Criminal Law. General part. Scheme. - Tashkent: TSLI, 2002. P- 76.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.03 ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО.
СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

Умаров Бекзод Азаматович,
Тошкент давлат юридик университети
Бизнес ҳуқуқи кафедраси
катта ўқитувчиси
E-mail: b.a.umarov@tsul.uz
Orcid ID: 0000-0002-3400-9439

ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА МАЪМУРИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ВА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-6>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлатнинг иқтисодиётни самарали бошқарувини ташкил этиш, маъмурий ислоҳотларни амалга оширишда давлатнинг регуляторлик функциясини амалга оширишда замонавий усулларни қўллаш ҳамда иқтисодиётни бошқаришнинг номарказлаштириш тенденциялари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Давлат бошқарувини модернизациялаш, маъмурий таъсирни чеклаш, номарказлаштириш, замонавий бошқариш усуллари, бозор иқтисодиёти.

Умаров Бекзод Азаматович,
Старший преподаватель кафедры Бизнес право
Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: b.a.umarov@tsul.uz
Orcid ID: 0000-0002-3400-9439

СОКРАЩЕНИЕ АДМИНИСТРАТИВНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ГОСУДАРСТВА НА ЭКОНОМИКУ И ТЕНДЕНЦИИ ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются организация эффективного управления экономикой государства, современные методы реализации функций

государственного регулирования при осуществлении административных реформ, а также тенденции децентрализации в экономике.

Ключевые слова: модернизация государственного управления, ограничение административного влияния, децентрализация, современные методы управления, рыночная экономика.

Umarov Bekzod Azamatovich,

Senior Lecturer of Business Law Department
of the Tashkent State University of Law

E-mail: b.a.umarov@tsul.uz

Orcid ID: 0000-0002-3400-9439

REDUCING ADMINISTRATIVE IMPACT OF THE STATE ON THE ECONOMY AND DECENTRALIZATION TENDENCIES

ANNOTATION

This article analyzes the organization of effective administration of the economy by state agencies, modern methods of executing the functions of state regulation in the implementation of administrative reforms, as well as decentralization trends in the economy.

Keywords: modernization of public administration, limitation of administrative impact, decentralization, modern management methods, market economy.

For citation: Umarov Bekzod Azamatovich. REDUCING ADMINISTRATIVE IMPACT OF THE STATE ON THE ECONOMY AND DECENTRALIZATION TENDENCIES. 2019, special vol., issue 3, pp. 37-45

Тез ўзгарувчан жараёнлар кечаётган барча соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда иқтисодиётни бошқариш масаласини ҳам тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда давлатнинг иқтисодий тараққиётдаги ўрнини белгилаш бўйича қилинган ҳаракатлар ўзининг амалий аҳамиятини топган деб бўлмайди. Сўнги йилларда давлатнинг иқтисодий функциясининг ҳолатини аниқлаш, бозор иқтисодиётни тўлиқ ривожланиши ҳамда тараққиёти йўллари аниқлаш, жамият ва давлатнинг нормал фаолиятини таъминлаш ва иқтисодий тараққиёт кафолатларини яратишга эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон - давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги ролини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ ислоҳотларнинг янги босқичига ўтмоқда. Ислоҳотлар амалга оширилиши заруриятдир ва умуман олганда бу борада давлат, хусусий сектор ҳамда жамиятнинг қарашлари мос келади. Лекин, давлатнинг иштироки ва унинг иқтисодиётдаги, кенг маънода эса, ривожланиш жараёнларидаги ролини қисқартириш ёки хусусий секторнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиши учун шароитлар яратиш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Давлат аввалгидек, ислоҳотлар ташаббускори сифатидаги ролини давом эттириши ва мамлакатни ривожлантириш борасидаги функционал вазифаларни бажариши зарур, акс ҳолда Ўзбекистонда барқарор ва узвий ривожланаётган саноатлашган иқтисодиётни яратиш ҳақида сўз юритиш мушкул. Шу билан бирга, активлар эгаси, бозор иштирокчиси, регулятор каби давлатнинг

иқтисодиётдаги иштироки сифати ўзгариши лозим.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ва умуман олганда ривожланишдаги роли борасида фикрлар олимлар ва амалиётчилар орасида кенг баҳсга сабаб бўлаётган масалалардан биридир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози эса, ушбу баҳсларга янги туртки берди. Бир тарафдан, оддий фуқаролар манфаатларини ҳисобга олиб, давлат томонидан йирик корпорациялар ва бозорларни назорат қилиш зарурати юзага келди. Бошқа тарафдан эса, жаҳон инқирози, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида давлатнинг иқтисодий жараёнлардаги роли туфайли иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб туриш ва аҳоли фаровонлигининг янада ўсишини таъминлаш борасидаги бир қатор ютуқларини янада ойдинроқ кўрсатиб берди.

Олимлар ва мутахассислар ўртасида баҳс-мунозаралар одатда бир-бирига зид бўлган икки қараш (давлатнинг икки шакли) - "ривожлантирувчи" давлат (ингл. - developmental state) ва "тартибга солувчи" давлат (regulatory state) атрофида юзага келмоқда [1]. Кўпчилик томонидан, айниқса неолиберал назарияси тарафдорлари томонидан тартибга солувчи давлатнинг пайдо бўлиши ривожлантирувчи давлатнинг йўқолишига ёки камида турғунлик ҳолатига олиб келди дея эътироф этилмоқда. Тажрибаларнинг кўрсатишича эса, ушбу эътирофлар унчалик аниқ эмас. Терминология ва концепцияларнинг ўзи 1980 йилларда фаол шаклланишни бошлади, лекин унинг айрим элементлари аввалроқ ҳам алоҳида илмий ишларда ишлатилган. Кўпчилик илмий ишларда Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги Япония бюрократияси маъмурий усул билан бизнесни йўналтириш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда миллат манфаатларини қондиришга қаратилган аниқ ривожланиш мақсадлари устувор вазифа қилиб белгиланган ривожлантирувчи мамлакат мисоли сифатида эътироф этилган.

Тартибга солувчи давлат мисоли сифатида АҚШ келтирилиб, бу ерда федерал ҳукумат томонидан ҳуқуқий меъёр ва қоидаларни ривожлантириш ҳамда мустақил тартибга солувчи агентликлар ташкил этишга асосий эътибор қаратилган, бюрократларнинг маъмурий ваколатлари эса чекланган эди. Кейинчалик, ривожлантирувчи давлатлар сифатида Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Латин америкасининг айрим мамлакатлари (жанубий мамлакатлар), тартибга солувчи давлатлар сифатида эса - ривожланган мамлакатлар, энг аввало Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ (шимолий мамлакатлар) эътироф этилди [2]. Мазкур бўлиниш бироз сунъий, асосийси эса давлатнинг иқтисодий (нафақат) жараёнлардаги ролини тушуниш ва таҳлил қилиш имкониятларини чеклангандек туюлади. Чунки, давлат томонидан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг яққол мисоллари Осиёнинг жадал ривожланаётган мамлакатлари билан бир қаторда, айнан ривожланган мамлакатларга ҳам таалуқлидир.

Англиялик олим Девид Леви Фоннинг таъкидлашича, ривожлантирувчи давлат ва тартибга солувчи давлат ўзида давлат қуриш ва бозорлар ташкил этишнинг давомий ва изчил жараёнларини мужассам этади. Ривожлантирувчи давлат охири-оқибатда бозорлар ташкил этиш ва уларни ривожлантириш билан машғул бўлади. Тартибга солувчи давлатнинг мақсади бўлиб эса, ривожланиш учун шароитлар яратиш ва уни рағбатлантириш бўлиб ҳисобланади [3].

Ҳар қандай давлат маълум маънода ҳам ривожлантирувчи ҳам тартибга солувчи ҳисобланади. Тараққиёт мақсадлари қанчалик аниқ ва ошкоралигига, давлат уларга эришишга қанчалик қодирлигига ҳамда эришиш учун қандай воситалардан (расмий

ва норасмий) фойдаланилишига қараб мамлакатлар бир- биридан фарқланиши мумкин. Ва ушбу фарқлар замонавий дунёда мавжуд бўлган давлат(бошқарув тизими)нинг кўпчилик гибрид шакллари юзага келтиради.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг ривожланиши иқтисодий муносабатларнинг давлат-ҳуқуқий тартибга солиниши механизмининг амалга оширилиши ҳамда иқтисодий жараёни бошқаришда давлатнинг ўрни ва ролини аниқлаш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири Давлатдан - нодавлат иқтисодий тузилмаларга босқичма-босқичма ўтказиш ҳисобланади. Самарали давлат бошқарувини шакллантиришнинг асосий вазифаларидан бири давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри аралашини қисқартириш ва чеклаш масалалари ҳисобланади. Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида сиёсий раҳбарият каттаю-кичик барча иқтисодий масалаларни назорат қилар ва улар бўйича қарор қабул қилар эди. Илмий-техник тараққиёт чуқурлашиши ва одамларнинг эҳтиёжлари кенгайиши баробарида ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши давлатнинг тўғридан-тўғри раҳбарлик қилиши концепциясига асосланган иқтисодиётнинг лаёқатсизлиги ва рақобатга бардошли эмаслигини кўрсатди. Шу муносабат билан қайта ўзгартириш жараёнларини бошидан кечирган мамлакатларда ижтимоий ва давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи навбатдаги мақсади давлатнинг иқтисодиётдаги принципиал жиҳатдан янги ролини аниқлашдан иборатдир. Мазмун-моҳиятига кўра ушбу соҳадаги тараққиёт маъмурий бошқарув соҳасидаги ислохотларнинг олға силжиши ва муваффақият қозонишининг ҳал қилувчи кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини ўзида қамраб олган Президентимизнинг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5185-сон Фармонининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Маъмурий ислохотлар концепцияси узоқ муддатга мўлжалланган ва стратегик мақсадларни белгилаган муҳим дастурий ҳужжат бўлиб, уни қабул қилишдан кўзланган мақсад давлат бошқарувининг концептуал янги моделини шакллантиришдан иборат.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш йўлидаги навбатдаги тарихий ҳужжат дея баҳоланаётган концепциянинг асосий мазмуни ижро ҳокимиятини тубдан ислоҳ қилиш, унинг фаолият самарадорлигини ошириш, халқаро талаблар ва стандартларга мослаш ҳамда тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги вазифаларни бекаму-кўст бажарадиган давлат аппарати тизимини яратишга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, унда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, вазифаларини (функциялари, ваколатларини), уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш чоралари назарда тутилган.

Бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳамда давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари,

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш зарур. Профессинал давлат хизматини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини қўллаш чораларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун Ўзбекистонга инновацион фикрлайдиган ва иқтисодиётнинг қайта ишлаш тармоқларига сармоя киритишни маъқул кўрадиган тадбиркорлар керак. Шу муносабат билан бизнес юристишнинг чайқовчилик моделларига бўлган қизиқишни камайтирадиган тегишли ишбилармонлик муҳитини яратиш зарур. Бу ерда ушбу шарт-шароитлар тақиқлаш ёки чеклаш шаклига эмас, балки ундовчи хусусиятга эга бўлишини қайд этиш муҳим. Акс ҳолда бу хусусий капиталнинг яширин секторга оқиб кетишини кучайтиради холос.

Тадқиқот натижалари инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ва корхонани технологик жиҳатдан янгилаш суръатлари каби бизнесни ривожлантиришнинг сифатли параметрларининг унинг ҳажмлари ва мулкчилик шакли билан мустаҳкам ўзаро алоқасини аниқлади. Бундан ташқари, йирик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш орқали иқтисодиётни санаотлаштириш бугун Ўзбекистонда ёшларнинг фуқаролик жиҳатидан ижтимоийлаштиришнинг бош омилига айланмоқда. Шу сабабли кейинги тавсиялар тадбиркорларни узоқ муддатли инвестициялар киритишга ва ўз корхоналарининг ҳажмини кенгайтиришга рағбатлантирадиган шарт-шароитлар яратиш зарурлигидан иборат. Қайта ишлаш соҳасидаги ўртача корхоналар малакали ишчи кучига талаб ҳосил қилиши мумкин. Улар маҳаллийлаштириш ва экспортнинг "двигателига" айланади, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маҳсулоти ва хизматларига бўлган талабни ҳосил қилади. Тегишли равишда бу ушбу секторда бандликнинг ошишига ва умуман ўрта синф вакиллари улушининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг демографик ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда 2030 йилга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 2-3 барабар кўпайиб, 1000 кишига камида 30-40 та корхона тўғри келадиган бўлиши учун улар сонининг ҳар йили аста-секин ошириб борилишига эришиш зарур. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг ривожланиш суръатларини ва унинг сифат жиҳатидан юксалишини жадаллаштириш учун ҳукумат томонидан ушбу соҳада кўрилган чора-тадбирлар ягона, бироқ принципиал жиҳатдан муҳим шартни қондириши керак, яъни хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий (молиявий, нарх белгиловчи, фискал ва ҳоказо) воситаларидан фойдаланишни камайтириш лозим [4]. Иқтисодиётни тартибга солишнинг ҳақиқий бозор воситаларидан фойдаланишга аста-секин ўтиш тадбиркорлик ҳаракатининг "оммавий хусусият" касб этишига имконият беради. Айнан шундай ёндашув мамлакатимиз тадбиркорларининг ўртача ёшини "ёшартиришга" кўмаклашади. Бунинг учун ҳукумат ўртача муддатли истиқболда қуйидаги масалаларни ҳал қилишга эътибор қаратиши зарур. Тадқиқот шуни кўрсатдики, бизнесни қонунийлаштиришга ва уни сифат жиҳатидан ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар фискал ва пул-кредит сиёсати доирасида белгиладиган маъмурий тартибга солувчи нормаларда энг сезиларли даражада намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан: Макроиқтисодий барқарорликни сақлаган ҳолда ҳамда хусусий секторнинг молиявий маблағларидан фойдаланиш шартларини тартибга солувчи қўшимча нормаларни белгиламаган

ҳолда нақд ва нақд бўлмаган пуллар ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва кўриш. Самарасиз имтиёзли кредитлардан воз кечиш (корхоналар рўйхати бўйича имтиёзлар сонини қисқартириш ва тармоқ имтиёзларидан фойдаланишни амалиётга киритиш), янги шароитларда банкларнинг фоиз сиёсатини ишлаб чиқиш [5].

Банк соҳасида рақобат муҳитини ривожлантиришга ва гаров бўйича талаблар ва бошқа шартлар анча оддий бўлган банкка қарашли бўлмаган кредит ажратувчи институтларни ташкил этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кўриш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тушадиган солиқ юкини камайтириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом этириш зарур (меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тўланадиган солиқ ставкасини камайтириш, Ягона солиқ тўловининг базавий ҳажмини ҳамда корхона ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ходимлари сонининг энг кам нормативларини бекор қилиш).

Иқтисодий тартибга солиш соҳасида давлат энг муҳим қарорлар кўпроқ маслаҳатлашган ҳолда қабул қилиниши учун бу борадаги ёндашувни ўзгартириши зарур. Бизнес бўлғуси ўзгаришлардан хабардор бўлибгина қолмай, балки белгиланаётган нормаларни ишлаб чиқишда ўзи иштирок этиши лозим. Ҳукумат ва бизнес келишиб қарорлар қабул қилганда бу жараён янги жамоат шартномасининг бир қисмига айланади, жорий этилаётган нормалар эса жамиятни ижтимоий ислоҳ қилиш ва мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш нуқтаи назаридан энг самарали нормаларга айланади [6]. Иқтисодий транзакцион харажатлар даражасининг камайтирилиши ҳамда кичик корхоналар кенгайтирилишини ва ўртача корхоналар ташкил этилишини рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратиб берилиши хусусий секторнинг ўз ижтимоий жавобгарлиги борасидаги вазифасини бажаришдаги салоҳиятини кучайтиради.

Давлат, аҳоли, бизнес ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўзаро муносабатларининг самарали механизмларисиз хусусий секторни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бўлмайди. Шу сабабли ижтимоий-сиёсий жараёнларда тадбиркорларнинг ролини ошириш умуман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим стратегик йўналиши ҳисобланади. Бунда институционал механизмларни ривожлантириш муҳимдир. Бундай механизмлар тадбиркорларда ва, айниқса, ёшларда янги шарт-шароитларда инновацион тафаккурни, хулқ-атворнинг анъанавий жамоавий усулидан яқка тартибдаги усулига ўтишни, улар ўз келажаги ва бутун мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун ўзининг шахсий жавобгарлигини ҳис этишини назарда тутувчи шахсий ҳислатларни шакллантирган бўлар эди. Бунинг учун давлат иқтисодий тартибга солиш соҳасидаги муҳим давлат қарорларини қабул қилиш жараёнларига жамоат ташкилотларини ва партияларни фаол жалб қилиши лозим. Бундай ёндашув тадбиркорларда кучлироқ фуқаролик нуқтаи назари, шунингдек ўз манфаатларини жамоавий тарзда ҳимоя қилиш кўникмалари ишлаб чиқилишига кўмаклашади. Қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимини институционал даражада жорий этиш юзасидан бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар бундай жараёнларни жадаллаштирувчи куч бўлиши мумкин. Бу ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан иқтисодий тартибга солишнинг барча масалалари юзасидан оммавий маслаҳатлашувлар ўтказилиши ҳамда улар натижаларининг албатта эълон қилиниши Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимининг сифатли ишлашини таъминловчи унинг асосий хусусиятларидан бири эканлиги

билан изоҳланади [7].

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самарадорлиги ва натижадорлиги етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида холисона акс эттирилмоқда. Жаҳон банкининг (World Bank) "Doing business - 2020" ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича жаҳондаги ислоҳотчи ягирматта давлатлар қаторига кирди ҳамда умумумий рейтингдаги ўтган йилга натижага нисбатан етти поғона илгарига силжиб, 69 ўринни эгаллаб турибди [8]. Мазкур кўрсаткич Жаҳон банки томонидан белгиланган ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида 10 та асосий мезон кўрсаткичларини мақсадли равишда ижобийлаштириш юзасидан 2019 йилда Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилаётган ишларнинг натижаси сифатида мисол қилиб келтириб ўтсак бўлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ республикада давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс институционал ва таркибий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5409-сон Фармони мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилди. Ушбу Фармонда қуйидагилар белгиланди:

Биринчидан, 42 та лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомили бекор қилинди. Улар сирасида - АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали нефть маҳсулотларини сотишга лицензиялар, божхона брокери сифатида фаолият юритишга, ташқи реклама жойлаштиришга рухсатномалар ва бошқалар;

Иккинчидан, 38 та лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомили 17 тага бирлаштирилди;

Учинчидан, 25 турдаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилнинг муддати уларни ички расмийлаштириш вақтини камайтириш ҳисобига қисқартирилди;

Тўртинчидан, 9 турдаги лицензия бўйича лицензияловчи органнинг функциялари Вазирлар Маҳкамасидан тегишли давлат органларига ўтказилади. 5 турдаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомили эса республика давлат бошқарув органларидан уларнинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилиши белгиланди;

Бешинчидан, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилни янада қисқартириш ва соддалаштиришга доир чора-тадбирлар назарда тутилган. Масалан, 1 июндан бошлаб:

лойиҳалаш, қурилиш, телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият, баҳолаш, ветеринария ва туризм фаолиятига лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар сони қисқартирилиши;

риэлторлик ташкилоти устав капиталининг мажбурий миқдорида лицензия талаби бекор қилинади, олдиндан ҳақ тўламай риэлторлик хизматларини кўрсатишга имкон берилиши;

енгил автомобилларга эга бўлган жисмоний шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида линияли такси тарзида йўловчиларнинг тижорат ташувларини амалга ошириш ҳуқуқи берилиши;

якка тартибдаги тадбиркорларга 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида амал қиладиган сайёр савдо учун рухсатнома олиш ҳуқуқи берилиши (битта рухсатнома бир нечта жойда сайёр савдо қилиш ҳуқуқини беради);

Олтинчидан, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши, шунингдек радиотелефон (уяли) алоқа ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш билан боғлиқ лицензиялардан ташқари, қолган барча лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилиши;

Еттинчидан, агар лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати давомида лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, даъвогар кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг аризада кўрсатган фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги нормаларнинг белгилаб қўйилишини келтириб ўтиш мумкин.

Лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар сонини кескин камайтириш, бунда зарур ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг муддат ва қийматларини мақбуллаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга ва уларнинг шаффофлик даражасини янада оширишга, манфаатдор мақсадли аудиторияда сўровлар ўтказиш, бу борадаги илғор хорижий тажрибани танқидий ўрганиш, бизнес ҳамжамияти билан маслаҳатлар ўтказиш ҳамда етакчи халқаро экспертларни жалб қилиш асосида уларнинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилиш жараёнлари бугунги кунда ҳам жадал суратларда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда умуман давлат бошқарувини либераллаштириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш борасида Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг дастлабки натижаларини жаҳон миқёсида тан олинган давлатларнинг иқтисодиётни самарали бошқарувини ташкил этилиши жараёнини доимий равишда таҳлил этиб борадиган халқаро рейтингларда ижобий ўзгаришлар кўрсатаётганини кўришимиз мумкин.

Хусусан, мамлакатимиз "2019 Index of Economic Freedom" - Иқтисодий эркинликлар индекси бўйича бутун жаҳон мамлакатлари рейтингида бир йил ичида 152 ўридан 140 ўринга кўтарилди [9].

Бу кўрсаткич, айниқса, солиқ юкини камайтирилиши, фискаль сиёсатни "соғломлаштириш" ҳамда савдо эркинлигини таъминлашга қаратилаган чора-тадбирлар натижасида эришилди.

Хулоса қилиб айтиб ўтиш мумкинки, маъмурий ислохотлар концепциясининг мамлакат тараққиётини белгилаб берадиган устувор йўналишларидан бири иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, иқтисодиётга давлатнинг асосиз ҳамда зарарли аралашувини чеклаш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган замонавий бошқарув усулларида асосланган бошқарувни жорий этишдир. Авваломбор, мамлакатимизда фискаль-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда давлат бошқарув органларининг регуляторлик

функцияларини оптималлаштириш, номарказлаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти қонуниётларига асосланган самарали бошқарув ("Smart regulation")ни жорий этилиши ижобий натижалар бераётгани, юқорида баён этилган кўрсаткичлар асосида яққол ўз исботини топмоқда.

Шунингдек, мазкур ислоҳотлар доирасида иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш учун энг муҳим иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тўлиқ ишлашини таъминлаш ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу билан бирга, мазкур жараёнларда давлатнинг позитив таъсир этиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бир вақтнинг ўзида муайян иқтисодиёт соҳаларида бошқарув ҳам хўжалик фаолиятини юритиш функцияларини олиб бораётган субъектлар фаолиятини оптималлаштириш, давлат мулкани хусусий сектордаги тузилмаларга ўтишда шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида ўтказиш, мазкур жараёнларнинг пировард натижасига эришишга хизмат қилар эди. Қолаверса, назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқаруви органлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиш муҳим амалий қадамлардан бири бўлиб, айни ислоҳотларнинг амалга оширилиши давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва сарф-харажатларни пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини оширишга шароит яратади. Энг муҳими, мазкур чора-тадбирлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, мамлакатимиз фуқаролари ва ҳорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этадиган, самарали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга имкон яратадиган тизимни шакллантиришга хизмат қилишга қаратилмоқда.

Иқтибослар/Сноски/ References


1. Barkay, T. 2009. Regulation and voluntarism: A case study of governance in the making. *Regulation and Governance*, 3: - P. 360-375.
2. Borzel, T.A. 2010b. European Governance - Negotiation and Competition in the Shadow of Hierarchy. *Journal of Common Market Studies*, 48 (2): - P.191-219.
3. From "Big Government" to "Big Governance"? David Levi-Faur. *The Oxford handbook of Governance*, 2012.
4. uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/
5. "Модернизация, ислоҳотлар ва трансформацияларни тезлаштиришга кўмаклашиш" 2014 йил (SMART) UNDP Country Office in Uzbekistan <http://www.uz.undp.org>. (Promoting Accelerated Modernization, Reform and Transformation" 2014(SMART) UNDP Country Office in Uzbekistan <http://www.uz.undp.org>.)
6. Bevir, M. 2011. Governance as Theory, Practice, and Dilemma. - P. 1-16 in *The Sage Handbook of Governance*. M. Bevir, ed. Thousand Oaks, CA: Sage Publications.
7. Regulating advice Markets. Definition of the term "fiduciary" conflicts of interest - retirement investment advice. Regulatory impact analysis for final rule and exemptions. 2016. - P. 11-12/
8. <https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/country/u/uzbekistan/>
9. T. Miller, A.V. Kim, J.M. Roberts. *Index of Economic Freedom*.
- Washington, DC: The Heritage Foundation, 2019.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.01 ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ
ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ

Юсупова Нигора Жалолиддин қизи,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Юридик фанлар доктори, доцент
E-mail: nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru

ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҚОИДАЛАРИ

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ислом таълимотида аёл ҳуқуқларининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий асослари, аёлларнинг оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари, жамиятдаги мавқелари, меҳнат, иқтисодий ҳуқуқларига оид қоидалар Қуръони карим, ҳадислар орқали ёритилган. Норматив ҳужжатларда белгиланган аёл ҳуқуқларига оид вазифаларнинг моҳияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аёл, оила, ислом ҳуқуқи, тенглик, полигамия, ҳуқуқ.

Юсупова Нигора Жалолиддин қизи,
Международная исламская академия Узбекистана,
Доктор юридических наук, доцент
E-mail: nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРАВ ЖЕНЩИН В ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКАХ

АННОТАЦИЯ

Статье освещаются социально-экономические, духовные и культурные основы прав женщин, семейные права и обязанности, статус женщин в обществе, право на труд, социальные и экономические права в исламе на примере аятов Корана и хадисов. Проанализированы значимость прав женщин, изложенные в нормативных актах.

Ключевые слова: женщина, семья, исламское право, равенство, полигамия, право.

Yusupova Nigora Jaloliddin kizi,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
DSc, docent
E-mail: nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru

THEORETICAL BASIS OF WOMEN'S RIGHTS IN ISLAMIC SOURCES

ANNOTATION

This article highlights the essence and characteristics, as well as the socio-economic, spiritual, cultural foundations of women's rights, family rights, the status of women in society, the right to work, and economic rights in Islam, using the example of the verses of the Qur'an and Hadith. It analyzes the relevance of women's rights set forth in regulatory acts.

Keywords: woman, family, Islamic law, equality, polygamy, law.

For citation: Yusupova Nigora Jaloliddin kizi. *THEORETICAL BASIS OF WOMEN'S RIGHTS IN ISLAMIC SOURCES*. 2019, special vol., issue 3, pp. 46-57

Аёл ҳуқуқлари фақат юридик ҳолат эмас, балки аёл ҳуқуқлари сиёсат билан, маънавият ва маърифат билан, диний эътиқод ва фалсафа билан, жамиятдаги турли ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолатдир.

Шу нуқтаи назардан, ислом ҳуқуқи нормаларида аёллар масаласининг умумижтимоий жиҳатлари, ижтимоий—тарихий негизларини, унинг маданий—маънавий хусусиятларини ҳамда ислом таълимотида аёллар масаласини ҳал этишнинг ижтимоий—иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий—ташкилий жиҳатдан ўзига хослигини ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганиш ўзига хос масаладир. Ислом таълимоти аёлга унинг жинсига, биологик тузилишига қараб ҳақ-ҳуқуқ берди ва шу билан бирга вазифаларини ҳам тайин этди. Ислом таълимоти аёлни ҳаётнинг барча жабҳаларида: илм олишда, меҳнат қилишда, жамият тараққиётида қатнашишда, мол-мулкка эгалик қилишда ҳам эркак билан тенг ҳуқуқли қилди.

Биз аёл ҳуқуқларига доир ислом ҳуқуқидаги назарий муаммоларни таҳлил қилар эканмиз, ислом ҳуқуқидаги аёл ҳуқуқларига ёндашувда ўзига хос жиҳатлар мавжудлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ.

Биринчидан, исломда аёл билан эркакнинг тенглиги ҳақида тушунча мавжуд бўлса ҳам, унинг бунга ёндашувидаги ўзига хослик баъзи бир омиллар билан тушунтирилади. Яъни ислом ҳуқуқида эркак ва аёл шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга бир хилда эгаллиги эътироф этилади. Масалан, аёлнинг эркак каби шаъни, обрўсининг муҳофаза қилиниши, меҳнат қилиши, шахсий мулкка эга бўлиши, ворис бўлиши, мерос қолдириши, юқори мансабни эгаллаши (масалан, қози бўлиши), суд ишларида гувоҳ сифатида иштирок этиши, сайловларда қатнашиши (байъат) ва шунга ўхшаш ҳуқуқларга эга эканлиги тан олинади. Шу билан бирга, бу ҳуқуқлар ўртасида баъзи тафовутларни кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида аёлнинг жисмоний хусусияти ҳамда унинг жамиятдаги ўрни ва иштирокининг даражаси кўрсатилади.

Аёлларда баъзи жисмоний хусусиятлар борлиги учун унга енгилликлар яратилган. Масалан, эркак киши ҳар қандай ҳолатда ибодатларидан озод қилинмаса, аёл

ҳайз ва нифос ҳолатларида ибодатлардан озод қилинади, шунингдек исломда аёллар масжидга боришлари мумкин. Пайғамбар (с.а.в.) даврларида аёллар масжидга борганлар, бироқ эркаклар Жума намозига боришлари шарт бўлгани ҳолда, аёлларга мажбурий эмас. Демак, ислом аёл организмнинг табиий вазифалари билан боғлиқ физиологик ва руҳий ўзига хослигини назарда тутиб унинг вазифаларини енгиллаштиради. Шу билан бирга, аёлларнинг заифлиги боис оилани нафақа билан таъминлаш мажбурияти ҳам эркакка юклатилган.

Аёлнинг оилани моддий таъминлаш мажбуриятидан озод қилинганлиги ва унинг нафақаси болалигидан то вафотигача бошқалар (ота-она, васий ёки ҳомий, эр)га юклатилганлиги сабабли мерос масаласида аёлнинг улуши эркакниқидан кам бўлган.

Иккинчидан, ислом ҳуқуқида аёлнинг битта эркакка никоҳланиши мумкинлиги уқтирилар экан, айтилиши вақтда эркакларга нисбатан полигамияга рухсат берилади [1, С.77]. Биз ушбу мақолада ислом оила ҳуқуқидаги назарий муаммоларни таҳлил қилар эканмиз, полигамия масаласини ҳам тарихий, ҳам бугунги кундаги мусулмон мамлакатлари оила қонунчилигидаги ҳолат нуқтаи назардан ўргандик. Бу масала кўп танқидга учраган мавзу бўлса ҳам, фикримизча, бу қараш давр нуқтаи назаридан келиб чиққанлигини инобатга олиш лозим. Полигамия ислом олиб келган норма эмас, бу муносабат ислом таълимоти туфайли юмшатирилган бўлса ҳам, Шарққа хос менталитет таъсирида ҳамда кўплаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий омиллар туфайли ўша давр учун полигамия рухсат этилди ва аввалдан минтақада мавжуд кўпхотинлик қайсидур маънода чегараланди. Асосий жиҳати полигамия бу рухсат (мубоҳ), бажарилиши мажбурий бўлган (фарз) кўрсатма эмас. Шунингдек, унинг оғир шарти сифатида Қуръони каримда адолат шарт қилинган, адолатни инсон зоти бажара олмаслиги шариат манбаларининг ўзида қатъий таъкидланган [22, С.60].

Ушбу масалада аксарият ҳолларда Қуръони каримда эркакларга тўрттагача уйланишга рухсат берилган, деган қараш масаланинг асл моҳиятини тушунтиришда муаммонинг борлиги сабаб бўлиши мумкин. Назаримизда, бу масалани шарҳлашда инсонларни илмий асосланган хулосага эга бўлишлари учун уламоларнинг таҳлилий назарияларига таянмоқ керак бўлади.

"Нисо" сурасининг учинчи оятида тўрт нафаргача уйланишга рухсат берила туриб, дарҳол орқасидан "агар улар ўртасида адолат ва тенгликни барқарор қила олмасликдан кўрқсангиз, фақат битта хотин билан кифояланинг", дейилади. Яна шу суранинг 129-оятида: "Ҳар канча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар" [16, С.77], деб Аллоҳ таолонинг ўзи гувоҳлик беради.

Демак, шариатда кўпхотинликка ҳеч қандай шарт-шароитсиз, тўғридан-тўғри рухсат берилган эмас. Кўпхотинлик шартларини бажариш ғоят оғир масала.

Тадқиқотчи М. Машанов бу борада қуйидагича фикр билдиради: "Шунга иқдор бўлиш керакки, кўпхотинлиликни киритган Муҳаммад эмас. Кўпхотинлик бахтга қарши деярли бутун Осиёнинг одатига айланган эди. Шунинг учун Муҳаммадни кўпхотинлиликни киритиб, бу дунёга ушбу иллат ва балони олиб келди, деб айблаш ярамайди" [12, С.143]. Демак, аён бўладики, Қуръони каримнинг ушбу масалага оид ояти исломгача бўлган даврда кенг тарқалган кўпхотинликни тартибга солиш учун нозил қилинган.

Бугунги кунда ўзининг расман қайд этилган никоҳи бор бўла туриб, нафс

нуқтаи назаридан биринчи, иккинчи, учинчи хотинга уйланиш ҳолатлари жамиятимизда учраб туриши афсуски бор. Ўзбекистон оила қонунчилигида бу масала қатъий таъқиқланган, бунинг учун жазо чоралари ҳам қўрилган.

Ҳар бир шахс фақат якка никоҳда бахтли бўлиши мумкин. Якка никоҳлилиқ тамойили юксак ахлоқий коидалардан келиб чиқмоғи лозим. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичидаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу қоиданинг бузилиши никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Ислом ҳуқуқида аёл ҳуқуқлари борасида мазкур масалалар кўп тортишувлар мавзуси бўлса ҳам, эътироф этиш керакки, ислом таълимоти аёлларга муносабат борасида янгиликлар олиб келган ва у "инқилоб" нуқтаси бўлган. Назаримизда, ислом ҳуқуқининг ўз тарихий шарт-шароитлари доирасидаги нормалари (масалан, аёллар ҳуқуқлари соҳасидаги баъзи чеклашлар)ни мутлақо ўзгармас нормалар сифатида қараш тўғри эмас. Зеро, жамият ривожланиб, тараққий этиб боради.

Умумий қилиб айтганда, Ислом аёлларга раҳм-шафқат, меҳр кўрсатиш билан унинг мақомини кўтарди ва бахтли ҳаёт кечириши учун қатор нормаларни жорий этди. Ушбу нормаларнинг бажарилиши Қуръон оятлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари орқали мустаҳкамланди.

Ислом ҳуқуқининг илоҳий манбалари бўлган Қуръон ва суннада аёлларга боғлиқ масалаларнинг ёритилиши ҳақида фикр юритганда айтиш мумкинки, Қуръони карим ислом ҳуқуқининг асосий манбаи сифатида йўналтирувчи вазифани бажарган. Шу боис, ундаги оятлар масалани асосан умумий тарзда ёритади.

Қуръони каримда аёл масаласига оид 309 та оят мавжуд бўлиб, улардан 161 таси Маккада ва 148 таси Мадинада нозил бўлган [19, С.72].

Аёллар масалалари билан боғлиқ Макка даврида нозил бўлган оятларни ўрганганда шундай хулосага келиш мумкинки, у даврда Қуръон оятларининг асосий мавзуси қуйидаги мақсадларга қаратилган:

Жамиятда аёлларга нотўғри муносабатни, салбий ёндашувни йўқотиш. Бунда масала бир неча томондан таҳлил қилинган.

Биринчидан, аёлнинг инсон сифатидаги қадрини баҳолашга урғу берилган. Масалан, арабларда янги туғилган қизлардан ор қилиб, уларни тириклайин кўмиш одати бўлган. Бундан ташқари фарзандларни шу жумладан қизларни камбағалликдан қўрқиб ўлдиришган. Қуръонда ушбу одатларни танқид остига олиниб, бундай қараш ва одатлар қораланган [20, С.586, 148, 286].

Иккинчидан, аёлнинг хотин сифатида камситилиши, унинг таҳқирланиши ва унга ашёдек муносабатда бўлиш ўрнига унга нисбатан меҳр-шафқат билан муносабатда бўлиш тарғиб қилинган [10, С.175].

Учинчидан, она сифатида аёлга нисбатан ҳурмат-эҳтиром таъминланди [11, С.284, 412].

Бу ислом ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръонда аёл масаласи ва ҳуқуқларига оид қарашларнинг умумлаштирилган кўриниши бўлиб, бу масалалар бошқа манбаларда ҳам мустаҳкамланган.

Маълумки, Қуръони каримда жумлаларни қисмларга ажратиб таърифлаш анъанавий бўлмаган. Ҳар бир тилда, жумладан араб тилида ҳам, эркак кишилар ва хотин-қизларга мурожаат қилганда содагина хонимлар ва жаноблар дея қолишади. Аммо, оятларни кўрганимизда, ҳар бир жинс вакиллариининг тенглигини, Аллоҳ таоло ҳузурида ҳурматга сазаворлигини таъкидлаш мақсадида,

айтайлик, эркак кишининг белгилари ва хусусиятларини тавсифловчи сўзлар (сифатлар) беками-кўст, айнан аёлларга ҳам тегишли тарзда ифодаланади. Яъни қуйидагича:

Эркаклар	Аёллар
Муслим	Муслима
Мўмин	Мўмина
Итоатли	Итоатли
Ростгўй	Ростгўй
Сабрли	Сабрли
Тавозуъли	Тавозуъли
Садақа қилувчи	Садақа қилувчи

Қуръондан сўнг кенг қамровли ва ҳажми катта бўлган манба бу Ҳадислар, яъни суннадир. Сунна Қуръон оятларини қўллаб–қувватлаш, Қуръон ҳукмларидаги баъзи ҳолатларни изоҳлаш, керак бўлса баъзи ҳукмларнинг амал қилиш доирасини чеклаш ёки кенгайтириш ва янги нормалар жорий қилиш функцияларини бажарган. Масалан, "Нисо" сурасида аёлларнинг мерос улушлари кўрсатиб берилган бўлса ҳадисларда ҳам ушбу норма асосида Пайгамбар (с.а.в.)нинг ҳукм чиқарганлигини кўриш мумкин [2, С.279-281]. Шунингдек, ушбу сурада уйланиш ҳақида ҳукм келган, ҳадисларда эса уйланиш тартиби ва шакли ойдинлаштирилади. Яъни мерос ҳақидаги оятда умумий ҳолда мерос тақсимооти ҳақида гап кетган бўлса, ҳадислар қонуний меросхўрга васият қилинмаслиги ҳамда васият мерос мулкнинг учдан бир қисми миқдоридан ошмаслиги кўрсатилган [3, С.279-280]. Шу билан бирга, "Нисо" сурасида никоҳланиш тақиқланган аёлларни санаб ўтилган бўлса, ҳадисларда унга баъзи қўшимчалар киритилган ва баъзи никоҳ турлари таъқиқлаган [4, С.398-400].

Умумий ҳолда ҳадисларни ўрганганда, аёл ҳуқуқи борасида қуйидаги нормаларни қисқача кўрсатишга ҳаракат қилдик. Лекин бу мақсадга эришдик дегани эмас. Чунки, ҳадисларнинг ҳар хил йўллар билан бизгача етиб келиши, ҳадис тўпловчининг ўзига хос ёндашуви асосида қўлимиздаги ҳадис китобларидаги мавжуд ҳадисларни тўлиқ деб бўлмайди. Биз мавзуни имом ал-Бухорийнинг "ал–Жомеъ ас–саҳиҳ" асари асосида ўргандик. Унда етти ярим минг атрофида ҳадис бўлса, такрорларини олиб ташлаганда икки ярим минг ҳадис қолади. Маълумки, имом ал-Бухорий ушбу ҳадисларни юз минг ишончли ҳадис ичидан сайлаб олган. Демак, биз ҳадисларнинг атига икки фоизи билан ишлаган бўламиз.

Демак саҳиҳ, яъни ишончли ҳадисларда биринчидан, аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари борасида аёлнинг эркаклар сингари билим олиш ҳуқуқи эътироф этилади [5, С.41].

Иккинчидан, иқтисодий ҳуқуқлар борасида аёлнинг ҳуқуқий лаёқати, яъни мол–мулкка эгалик қилиш, мерос олиш каби ҳуқуқлари, муомала лаёқати ҳамда шахсий мулкни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқлари тан олинади [6].

Учинчидан, оилавий муносабатлар доирасида никоҳ шартномасини тузиш, гувоҳлар, розилик каби шартлар, никоҳ шартномасида томонларнинг шартлар

қўйиши, шартнома тузилганда валий (ҳомий ёки васий)нинг иштироки, Қуръонга кўра уйланиш тақиқланган аёл (маҳрам)лар турлари билан бирга бошқа қўшимча турлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, маҳрамликни юзага келтирадиган эмизишнинг шартлари, аёлларнинг никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган маҳр, нафақа ва мерос олиш каби мулкӣ ҳуқуқлари, полигамия, тақиқланган никоҳ шакллари, масалан, вақтинчалик никоҳ ҳамда ака—сингилнинг бошқа ака—сингил билан уйланиши шарт қилинган никоҳ (шиғор)нинг тақиқланиши, эрнинг аёлга нисбатан қандай муносабатда бўлиши, аёлнинг никоҳни бекор қилиш ҳуқуқи (хуль), ажралишнинг бошқа турлари (лиъон), эри бедарак йўқолган аёл ҳуқуқлари ва насабни белгилаш шартлари баён қилинган [7].

Тўртинчидан, уруш ҳолатида, аёлларни иложи борича асрашга ҳаракат қилиниб, унинг урушда иштирок этиши ҳаж амаллари билан тенг эканлиги кўрсатилган. Шунга қарамасдан, аёлнинг урушларда жангчиларга ёрдам бериш мақсадида ҳамшира ёки озиқ—овқат етказиб берувчи киши сифатида иштирок этишига рухсат берилган. Лекин ҳар қандай ҳолатда уруш пайтида руҳонийлар, қариялар ва ёш болалар сингари аёлни ҳам ўлдириш тақиқланган [8, С.254, 255, 294].

Кўриб турганимиздек, ислом ҳуқуқининг асосий манбалари Қуръон ва суннада аёл ҳуқуқлари ва улар билан боғлиқ масалалар атрофлича ёритилган бўлиб, улардаги нормаларнинг ҳаммасида аёл улуғланган, унинг жамиятдаги ўрни кўрсатиб берилган ҳамда аёлларга кенг ҳуқуқлар берилган.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келамиз:

Аёл ҳуқуқлари муаммоларига доир юридик адабиётни таҳлил қилар эканмиз, ислом ҳуқуқидаги аёл ҳуқуқларини ўрганишга хос хусусиятларини таъкидламасликнинг иложи йўқ.

Биринчидан, ҳуқуқий ҳамда диний нормаларни ўз ичига олган ислом ҳуқуқининг тузилишини инобатга олиб, ушбу муаммони ҳам умумий нормалар даражасида, ҳам ҳуқуқий нормалар даражасида ўрганишни тақазо этади. Шунини ҳисобга олган ҳолда исломда аёл ҳуқуқларини ислом ҳуқуқининг асл манбалари Қуръони карим ва ҳадислар асосида очиб бериш лозим.

Иккинчидан, ислом ҳуқуқи моҳиятига кўра фуқаролар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқдир. Ушбу тизимдан келиб чиқиб исломда аёллар ҳуқуқий ҳолатининг мазмуни ислом ҳуқуқида мавжуд бўлган никоҳ, оила, ажралиш мерос, мулкӣ муносабатлар билан қўшиб ўрганилади.

Учинчидан, ислом ҳуқуқи нормаларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ислом таълимотида аёлларнинг ҳуқуқий аҳволини очиб беришда ижтимоий—ҳуқуқий жиҳатдан ёндашиш зарур. Чунки аёллар масаласи, аслида, умумижтимоий ҳодисадир, аммо унинг тадқиқот доираси аҳолининг алоҳида қатлами - аёлларнинг инсоний яшашини, меҳнат ва ижод қилишини, ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида қатнашини, оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш йўлларини ўрганишдир.

Шунинг учун илмий адабиётларда мавжуд бўлган ушбу ёндашувлар доирасидаги асосий йўналишларни белгилаб олишимиз зарур.

Ижтимоий—ҳуқуқий ёндашув доирасидаги йўналишларга аёллар масаласини урф—одатлар, миллий маданиятлар, ижтимоий институтлар, ҳуқуқ ва жамият билан боғлаб ўрганишларини киритиш мумкин. Ушбу қарашлар ва концепцияларни таҳлил қилган ҳамда замонавий муаммолар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда исломда аёллар масаласини, бизнингча, қуйидаги йўналишлар:

- ислом ҳуқуқида аёлларнинг ижтимоий—ҳуқуқий аҳволини;
- иқтисодий муносабатлардаги иштирокини;
- сиёсий тизимлардаги мавқеини;
- маданий ривожланиш ва диний ҳаётдаги ўрнини;
- оилавий муносабатларнинг шаклланиши ва мустаҳкамлашдаги ўрнини ислом ҳуқуқининг асосий манбаълари Қуръони карим ва ҳадислар асосида ўрганиш орқали тадқиқ этиш мумкин.

Коммунистик мафкура таъсирида етмиш йилдан ортиқ вақт давомида тарбияланган шўро кишилари "оила", "аёл", "никоҳ" тушунчаларини шўро қонунлари, компартия кўрсатмалари ва қарорлари асосида ҳамда уларни шарҳлаб ёзилган ҳуқуқшунос ва сиёсатшуносларнинг асарларидан ҳамда оммавий сиёсий адабиётлардан олганлар [13, С.7].

Қуръони карим ва ҳадисларда белгилаб берилган, ислом ҳуқуқшунослари асарларида баён қилинган аёлга нисбатан адолат, бурч, мажбурият каби тушунчалар, оилага муносабат, эр—хотин, ота—она ва болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, умуминсоний ахлоқ қадриятларидан келиб чиққан асосий талаблар тўғрисида узоқ йиллар давомида оғиз очишга йўл қўйилмаган.

Ислом ҳуқуқи нормаларида ота—оналар ва болаларнинг маънавий бурчлари, эр—хотинлар ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги оилавий муносабат, кексалар ва етимларга ғамхўрлик қилиш, оилани мустаҳкамлаш ва бошқа маиший муносабатлар нафақат умуминсоний қадриятларни, балки махсус шарқона ижтимоий—маданий, алоҳида ўзига хос тамоилларни ҳам ўзида мужассамлаганлиги билан аҳамиятлидир. Аммо минтақамизнинг давлат ва ҳуқуқ тарихи билан боғлиқ ислом ҳуқуқи таълимотидаги мазкур нормаларни шўролар ҳокимияти даврида нафақат ўрганилмаган ва тарғиб қилилмаган, аксинча, улар динга қарши кураш байроғи остида ахлоққа зиён етказди, деб қаттиқ танқид остига олинган.

Ислом таълимотига кўра, эркак ва аёл тенгдирлар, улар ижтимоий ва дунёвий вазифаларни ўз эҳтиёжлари ва талабларига хос равишда (яъни аёл - аёллик вазифасини, эркак - эркаклик вазифасини) адо этиши ва фақатгина эзгу ишларга қўл уришлари лозим. Бу ҳақда Қуръони каримнинг Бақара сураси 228—оятда: "Аёллар учун (белгиланган ҳуқуқлар) ўз меъёрида эркаклар (ҳуқуқи) билан тенгдир...", шунингдек, Нисо сураси 19—оятда Аллоҳ таоло эркакларга қарата: "Улар билан тотув турмуш кечиринглар", — деб буюради;

Ислом ҳуқуқида аёл оилавий муносабатга киришар экан унга ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари у оилада тўла муомала лаёқатига эга шахс сифатида мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуққа эга. Исломда оила қуришнинг энг асосий ва муқаддас шарти никоҳдир. Ислом ҳуқуқи нормаларида никоҳ масаласи атрофлича ишланган. Унда никоҳдан ўтиш шартлари, никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш асослари, эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан ажралиш масалалари белгиланган. Ислом ҳуқуқи нормаларида белгиланган шартларнинг асосий мақсади соғлом, пок никоҳ муносабатини вужудга келтиришдан иборат. Эр билан хотин ўртасидаги муносабатлар аёлнинг эрга ёки эрнинг аёлга иқтисодий ҳамда юридик жиҳатдан қарамлиги асосида эмас, никоҳ иттифоқи билан боғланган ҳамда оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган шахсларнинг ўзаро ёрдам, бир—бирини қўллаб—қувватлаши негизда қурилади. Демак, биринчидан, ислом ҳуқуқида никоҳ бу - эркак ва аёлнинг ўз хоҳишини эркин ифода этиб, ихтиёрий тузган иттифоқи; ислом ҳуқуқи нормалари ҳар бир шахснинг

ўз эркини ўз розилиги билан ифода этиш қобилиятига эга бўлишини назарда тутди; иккинчидан, никоҳланувчиларнинг ҳар бири никоҳга киришда ҳам, никоҳ давомида ҳам шахсий ва мулкый ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар; учинчидан, никоҳ - муқаддас, абадий ва умрбод иттифоқ бўлиб, унинг энг олий мақсади насл қолдириш ва болаларни тарбиялашдир. Ислом ҳуқуқида аёлларнинг оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари замонавий қонунчиликдаги ҳуқуқлар билан ҳамоҳанг бўлиши билан биргаликда бир қатор ўзига хосликлар ҳам борки, улар асосан моддий таъминот, маҳр, мерос каби мулкый муносабатларда кўринади.

Ислом ҳуқуқининг оилавий муносабатлардаги қарашларида умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик ғоялари, Шарққа хос ахлоқий тарбия тамоиллари ўз ифодасини топган. Ислом ҳуқуқидаги ахлоқ нормалари асосан патриархал типдаги ҳуқуқ нормаларини ифодаласа ҳам, асли оилани, эр-хотин ҳаёти пойдеворини мустақкамлашга қаратилган. Ислом оила ҳуқуқига кўра, эр оила бошлиғи, масъул кишиси, оила бошқарувчисидир. Бу ҳақда Куръони каримнинг Нисо сураси 34-оятда: "Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб - Аллоҳ уларнинг бирлари (эркаклар)ни бирлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир. (Аёллар ичида) солиҳалари - бу (Аллоҳга) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир..." [17, С.84], - дейилади. Шариат ҳукмига кўра эр аввало оиланинг барча молиявий тарафларига жавобгар бўлган, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шулар эвазига эркак оила бошлиғидир, чунки унинг зиммасига оила манфаатларини рўёбга чиқаришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Шу сабабли ҳам оилада интизом барқарор бўлсин деб аёлдан эрига маъруф, яъни гуноҳ бўлмайдиган ишларда итоат этиши талаб қилинади. Назаримизда, бир вақтнинг ўзида оилавий гуруҳдаги ички тартибни таъминлаш ва уни ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш вазифаси бўлган шахс бундай ҳуқуқий ваколатга эга бўлишга муносиб. Бундан кўринадики, ислом дини эркак ва аёлнинг тенглигини ўз қобилиятига қараб белгилашни афзал кўради;

– ислом динидан аввалги даврларда аёл учун мулк берилмаган ва у фойда берадиган биронта мустақил иш қилиш, ҳатто ворислик ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди. Ислом дини эса аёлнинг эркакка бутунлай тобе эмаслигини, у ҳам эркак сингари мулкка эгалик қилиши ва уни тасарруф этиши мумкинлигини жорий қилди;

– исломда аёлга аввало инсоний вужуд сифатида қаралади ва унинг ҳам худди эркаклар каби инсоний руҳ ва жон эгаси эканлиги эътироф этилади: "Эй одамлар, сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳаво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан кўрқингиз!.." ("Нисо" сураси, 1-оят; "Ҳужурот" сураси, 13-оят) [18, С.77, 517]. Ушбу оят орқали ислом маданияти аёлнинг инсоний фазилатларини тўла эътироф этди, унга таълим соҳасини кўрсатди, балоғатга етгандан сўнг, барча ишларда тўла молиявий иқтирдорни берди. Унинг эри ҳам, отаси ҳам унга тегишли бўлган нарсаларга ва ҳатто маҳрига ҳам дахлсизлиги кафолатланди. Ислом дини аёлга меҳнат қилишни ман этмади, балки, ўз табиатига муносиб ишларни танлаши лозимлигини уқтирди. Шу тариқа аёл оғир меҳнатдан асралди. Ислом таълимоти аёлнинг жамиятдаги

Ўзига хос аҳволини ҳар томонлама ҳисобга олиш унинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирок этиш имкониятларини инкор этмайди, балки шу имкониятларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда амалга оширилишини таъминлаш йўл-йўриқларини аниқлаб беради. Аёллар турмуш тарзининг маиший хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар учун меҳнат фаолиятининг манфаатдорлик йўллари кўрсатилган. Бу нарса аёлнинг ижтимоий ҳимояси учун кафолат бўлиб хизмат қилади;

– шунингдек, исломда аёлларнинг сиёсий ижтимоий ҳаётга алоқадор масалаларда ҳам ўз фикрини баён этишга ҳамда жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга ҳақли эканликлари, аёлларнинг жамият равнақи йўлида фаол иштирок этишларига замин яратди;

– ислом ҳуқуқи аёлларга жинсига, латофатига, биологик тузилишига қараб ҳақ-ҳуқуқларини берди ва шу билан бирга бир қатор вазифаларини ҳам тайин этди. Ислом ҳуқуқи аёллар жуссасининг заифлигини ҳисобга олиб, эркакларга оғирроқ маъсулият юклади. Оилада қизларни боқиш, уларни кийинтириш, тарбиялаш, вояга етказиш ота ёки аканинг, улар бўлмаган тақдирда бошқа бир эр қариндошларнинг бурчи қилиб белгиланди. Қизлар вояга етиб турмушга чиққанларидан кейин бу маъсулият эрларига юклатилади. Иқтисодий омил оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Аёл жинси ҳомиладорлик, бола туғиш ва уни парвариш қилиш жараёнида ўзининг ва зурриёдининг моддий эҳтиёжини қондириш учун эркин фаолият олиб бора олмайди. Бу вазифани эркак жинси амалга оширади. Эркак оиланинг муҳофазасини таъминловчи, уни моддий таъминотчиси, меҳнат қуролиларининг, уй-жой, рўзгор ашёларининг эгаси, бундан ташқари ақлий ҳамда жисмоний тамондан кучли бўлгани учун ҳам оиланинг раҳнамоси даражасига кўтарилади.

Ислом динининг жамиятдаги маънавий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Ислом дини - кишилар ҳаётининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирадиган жуда кўп инсоний меъёрларни қарор топтириб келди ва келмоқда. Мазкур меъёрлар ўз эътиборига кўра ахлоқнинг умуминсоний меъёрлари бўлиши билан бирга, диннинг ҳам ижобий ва инсоний мавқеини истисно этмайди.

Диний қадриятларнинг тикланиши - жамиятни маънавий соғломлаштириш ва оилани мустаҳкамлаш учун ижобий аҳамиятга эга. Бироқ унинг тамоил ва ақидалари юзаки ва нотўғри талқин этилганда хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда таҳқирланишига ҳам олиб келиши мумкин. Шуни қайд этиш лозимки, сўнгги пайтларда айрим минтақаларда ислом ва шариат талаблари ниқоби остида хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари камситилиб келинмоқда. Ҳозирги куннинг бундай иллатларини исломнинг маънавий-ахлоқий талаблари ниқоби остида оқлаш жамиятда "ислом ва хотин-қизлар" масаласига юзаки, жоҳилона муносабатда бўлишни қўллаб-қуватлашдан бошқа нарса эмас.

Пайгамбар (с.а.в.): "Аёллар ва болалар билан бўладиган муносабатларингизда адолатли бўлинглар, зеро адолат исломда инсон камолининг белгисидир" [14, С.223], - деган. Шариат қонунларида тарғиб этилган бундай таълимот туфайли оилаларда аёллар она, рафиқа, уй бекаси, опа-сингил сифатида қадрланади. Оталари, эрлари, ака ва укалари уларнинг ор-номусларини ҳимоя қилишган ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан мунтазам қўллаб туришган.

Исломда яхшилик ва ҳақгўйлик жамиятнинг ҳамма аъзоларига тааллуқли. Бу нарса биринчи навбатда оила ва асосан эр-хотин ўртасидаги муносабатларда шаклланмоғи лозим бўлади. Бу ҳақда Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифларда

ҳам кўп тўхталган.

Аллоҳ ҳар бир мусулмон кишига ўз аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлишни буюради. Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда: "Аёл қовурғадан яратилган бўлиб... Агар уни тўғрилашга ҳаракат қилсанг, синдириб қўясан... Бас, шундай экан, аёллар билан доимо яхшилиқча маслаҳатлашингизлар!" [9, С.421], дейилади.

Аёлларнинг ақл—идроки, ор—номуси, ҳақ—ҳуқуқлари исломда улуғланган экан, мустақил Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларни эъзозлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза этишдек муқаддас диний ва инсоний бурчларни адо этиш борасида бир қатор амалий дастурлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ қилинди. Бугун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари каби кўплаб норматив ҳужжатлар орқали хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат—икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш масалалари давлат, ҳукумат, жойлардаги ҳокимликлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси сифатида янги босқичда ривожлантирилмоқда. Чунки, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Зеро, ҳадиси шарифда ривоят қилинишича, аёлларни фақат карамли кишиларгина ҳурмат қилади [15, С.85]. Шу боис, исломда аёл ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларнинг замонамиз учун аҳамиятли жиҳатлари, тарихий негизларини, маданий-маънавий хусусиятларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташкилий ўзига хослигини ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ва диёримиздан етишиб чиққан фақиҳларнинг илмий мероси асосида тадқиқ этиш ва одат ҳуқуқи билан қиёсий ўрганиш мафкуравий курашлар авж олиб бораётган ҳозирги кун учун ўта зарур масаладир. Негаки, бугун президентимиз таъкидлаганидек, "...оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда" [22].

Иқтибослар/Сноски/References

1. Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim manolarining tarjima va tafsiri. - T.: "Toshkent islom universiteti" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2006. "Niso" surasi, 3. -77 bet. (Quroni karim oyatlari tarjimasi ushbu kitobdan olingan). (Abdulaziz Mansur. Translation and Interpretation of Quranic Manuscripts. - T.: "Tashkent Islamic University Publishing House", 2006. Surat an-Nisa, 3. -77 pages.)

2. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. - T. 4. - T.: "Q.B.T", 1997. -279—282 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. - P. 4. - T.: "Q.B.T", 1997. -279—282 pages.)

3. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. - T. 4. - T.: "Q.B.T", 1997. -279—280 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. - T. 4. - T.: "Q.B.T", 1997. -279—280 pages.)

4. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. - T. 3. - T.: "Q.B.T", 1994 . -398-400 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. - P. 3. - T.: "Q.B.T", 1994 . -398-400 pages.)
5. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. - T. 1. - T.: "Q.B.T", 1991. -41 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. - T. 1. - T.: "Q.B.T", 1991. -41 pages.)
6. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. - T. 2. - T.: "Q.B.T", 1993. -19, 142, 186 bet.; - T. 4. 279-282 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. - P. 2. - T.: "Q.B.T", 1993. -19, 142, 186 pages.; - P. 4. 279-282 pages.)
7. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. - P. 2. - T.: "Q.B.T", 1993. -92 bet.; - P. 3. -394-395 bet., 398-400, 404-408, 411, 421-423, 451-452, 456-457, 460-465, 478-484 bet.; - P. 4. -284 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. - P. 2. - T.: "Q.B.T", 1993. -92 pages.; - P. 3. -394-395 pages., 398-400, 404-408, 411, 421-423, 451-452, 456-457, 460-465, 478-484 pages.; - P. 4. -284 pages.)
8. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. - T. 2. - T.: "Q.B.T", 1993. -254-255, 294 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. - T. 2. - T.: "Q.B.T", 1993. -254-255, 294 pages.)
9. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih - T. 3. - T.: "Q.B.T", 1994 . -421 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih - P. 3. - T.: "Q.B.T", 1994 . -421 pages.)
10. "A'rof" surasi, 189-. 175 bet. (Surah Al-A'raf, 189. -175 pages.)
11. "Isro" surasi, 23-24. -284 bet.; "Luqmon" surasi, 14-15. -412 bet. (Surat al-Isra ', 23-24. - 284 pages; Surah Luqman, 14-15. -412 pages.)
Управление	Управление осуществляется полными товарищами, они действуют от имени товарищества как его органы	Управляющий партнер (ы) (general partner) управляет партнерством, действует от его имени
	Коммандитисты не имеют право участвовать в управлении	Коммандитисты не имеют право участвовать в управлении
Статус товарищества/партнерства	Признается юридическим лицом	Не признается юридическим лицом и не имеет legal personality
Налогообложение деятельности товарищества/партнерства	Деятельность товарищества облагается налогами. Товарищество является налогоплательщиком налога на прибыль юридических лиц, НДС и других налогов	Деятельность партнерства НЕ облагается налогами и применяется прозрачная система налогообложения – pass through tax , которая подразумевает обложение налогом не деятельность партнерства, а доходов партнеров .
Примерное количество товариществ/партнерств	185	7.4 млн

В таблице видно, что наши хозяйственные товарищества, в том числе коммандитные не используются для предпринимательства по следующим причинам:

товарищества признаются юридическими лицами;

и в этой связи считаются налогоплательщиками налога на прибыль, НДС и других налогов;

лицо может быть участником только одного полного товарищества, что не позволяет создать несколько венчурных фондов;

право выхода участника (полного товарища) из товарищества практически в любое время, тоже оставляет под угрозой инвесторов - вкладчиков.

А самыми основными преимуществами партнерств англо-американской системы права, использования партнерств в ведении предпринимательской деятельности и инвестирования являются:

партнерства не являются юридическими лицами;

и в этой связи их деятельность не облагается налогами юридических лиц (налог на прибыль ю.л., НДС и т.д.), а облагаются налогами доходы их участников после распределения прибыли.

Именно такой порядок налогообложения позволяет малому бизнесу развиваться не создавая корпорацию (юридическое лицо) путем объединения лиц и капитал

(ограниченное партнерство), но при этом стать субъектом предпринимательства и платить налоги: В США подавляющее большинство субъектов предпринимательства - партнерства и они платят основную часть налогов страны[8].

Индивидуальный предприниматель и частное предприятие

В законодательстве индивидуальный предприниматель (ИП) имеет право заниматься только определенными видами предпринимательской деятельности согласно Перечню видов деятельности, которыми могут заниматься индивидуальные предприниматели без образования юридического лица (утвержденное постановлением Кабинета Министров № 6 от 07.01.2011 г).

В остальных случаях требуется создать юридическое лицо (коммерческую организацию), деятельность которых облагается налогами юридических лиц, а также доходы его участников (при распределении прибыли) - двойное налогообложение.

Конечно исключением является частное предприятие (ЧП): облагается только налогами юридических лиц, и доходы собственника от ЧП не облагается налогом. Именно такое прозрачное налогообложение является единственным преимуществом данной организационно-правовой формы, в этой связи ЧП заметно широко используется в предпринимательской деятельности: В Республике Узбекистан 72 394 ЧП на состояние 01.10.2018 г.

Но к сожалению, конструкция ЧП никак не отличается от ИП (кроме статуса юридического лица и найма работников), не позволяет объединить лиц и капитала. В развитых правовых системах коммерческие организации почти всегда являются корпорациями, которые объединяют лиц и/или капитал (АО, ООО и др.), а унитарные юридические лица используются для некоммерческой деятельности.

Предлагалось, не ограничить правоспособность ИП по видам деятельности и найму работников, облагать налогом только их доходы и позволять объединить их труд и капитал классическими конструкциями: товарищества и корпорации (коммерческие организации).

Вышеназванный опыт законодательства по статусу ИП и ЧП, как раз утверждает правильность нашей точки зрения:

привлекательность организационно-правовой формы прежде всего в налогообложении;

также, субъект предпринимательства не всегда должен быть полным правосубъектным: ИП в гражданском праве рассматривается как физическое лицо, а предпринимательском это субъект предпринимательства в отличие от других физических лиц (неправосубъектных): которые не смогут заниматься предпринимательством без соответствующей регистрации в качестве ИП).

Выводы и предложения

По информации, приведенной на официальном сайте Президента Республики Узбекистан "В настоящее время во всем мире предприниматели, средний и малый бизнес являются опорой устойчивого развития экономики. В развитых странах субъекты предпринимательства составляют более 90 процентов от общего числа предприятий и обеспечивают работой более 50 процентов трудоспособного населения"[9].

Следует отметить, малый и средний бизнес не всегда создается в виде корпорации (юридического лица) и облагается двойными налогами (и сама корпорация и дивиденды).

Отсутствие таких удобных конструкций заставляет малого, среднего бизнеса:

Создать юридическое лицо и вести двойную бухгалтерию чтобы платить меньше налогов (иногда в силу недостаточности объема капитала для такого налогообложения, не платят налоги, повышается налоговая задолженность и ликвидируется);

Не позволяет объединить капитал и лиц, привлечь коллективных инвестиций (в том числе в виде фондов);

Не позволяет создать венчурных фондов в удобной форме (limited partnership) и инвестировать в инновационную деятельности (высокорисковая инвестиционная деятельность).

Предложения

Следует учитывать, что сегодня уже предпринимательская и инвестиционная деятельность давно используют незаконных и ненадежных конструкций товарищества/партнерства (достаточно помнить о деле Ахмаджона Турсунбоева, известного как "Ахмадбой") в устной форме для объединения капитала и лиц, что способствует развитию мошенничества и злоупотребления, также неправильному пониманию рискованного инвестирования.

Также, иметь в виду, что инвестиционная деятельность, особенно венчурная и прямая инвестиции, предпочитают гибких организационно-правовых конструкций [10] такие как LP, которые позволяют защищать прав и интересов инвесторов (ограничивая их ответственность) и балансируя ответственность управляющих.

Предлагаем совершенствовать конструкции хозяйственных товариществ, с учетом требований современного бизнеса, также путем заимствований удобных механизмов от английского партнерства в ходе разработки проекта Гражданского и Налогового кодексов Республики Узбекистан в новой редакции:

установить гражданскую неправосубъектность товариществ (отменить юридическую личность);

хозяйственные товарищества, являются особыми субъектами гражданского права не имеющие юридической личности (как уже было отмечено, по своей природе и сущности, товарищество не предусматривает юридическую личность: от его имени действуют не его органы, а участники (которые являются субъектами права), также по его обязательствам тоже отвечают другие лица - его участники);

Но как субъекты коммерческого (а не гражданского) права могут от своего имени заключать сделки, быть собственниками имущества и выступать в судах от своего имени, имеют право заниматься всеми видами предпринимательской деятельности (опыт Германии, Франции, Англии, США, Китай);

соответственно, их деятельность не облагаются налогами юридических лиц, а облагаются налогом доходы его участников (применяется прозрачная система налогообложения - pass through tax);

отменить норму, запрещающую участия полного товарища в других товариществах (не ограничивать такого участия), в целях создания условий расширения деятельности и венчурных фондов.

Упразднить всех форм унитарных форм коммерческих организаций (ЧП, УП, ФХ), оставляя только корпорационных (особенно ФХ которое не позволяет объединить капитала и лиц, но считается обязательной формой для фермерской деятельности);

Не ограничить видов деятельности для ИП, при этом предусмотреть только путем публичного регулирования (например, для осуществления некоторых видов предпринимательской деятельности, по лицензионным требованиям создать юридическое лицо);

С учетом развития предпринимательства создать гибридных форм товариществ и юридических лиц, исходя их положительного опыта развитых стран: упрощенное акционерное общество во Франции (Société par actions simplifiée, SAS), коммандитное товарищество на акциях Германии (Kommandit-AG), инвестиционное общество с переменным капиталом Швейцарии (Société d'Investissement a Capital Variable (SICAV), товарищества с ограниченной ответственностью, компании с ограниченной ответственностью в англо-американской системе (LLP/LLC[11]) [12].

Сноски/References/Иқтибослар


1. Суханов Е.А. Сравнительное корпоративное право. Москва.: Статут 2014. - 34 (Sukhanov E.A. Comparative Corporate Law. Moscow. Statut 2014. - 34)
2. Янковский Р.М. Организационно-правовые формы венчурного инвестирования (часть 3): проблема организационно-правовой формы проектной компании. https://www.researchgate.net/publication/331824508_Organizacionno-pravovye_formy_vencurnogo_investirovaniya_cast_3_problema_organizacionno-pravovoj_formy_proektnoj_kompanii (Yankovsky R.M. Organizational and legal forms of venture investment (part 3): the problem of the legal form of a project company).
3. <https://taxfoundation.org/us-has-more-individually-owned-businesses-corporations/>
4. Douglas J. Cumming, Sofia A. Johan, in *Venture Capital and Private Equity Contracting (Second Edition)*, 2014
<https://www.sciencedirect.com/book/9780124095373/venture-capital-and-private-equity-contracting>
5. *Investment Banks, Hedge Funds, and Private Equity (Third Edition)* 2018, Pages 309-322. <https://www.sciencedirect.com/book/9780128047231/investment-banks-hedge-funds-and-private-equity>
6. Yong Zhen, in *China's Capital Markets*, 2013. <https://www.sciencedirect.com/book/9781843346975/chinas-capital-markets>
7. Суханов Е.А. Сравнительное корпоративное право. Москва.: Статут 2014. - 18 (Sukhanov E.A. Comparative Corporate Law. Moscow. Statut 2014. - 18)
8. <https://money.cnn.com/2017/12/02/pf/taxes/senate-tax-bill-passed/index.html>
9. <https://president.uz/ru/lists/view/2994>
10. Erik P.M. Vermeulen and Diogo Pereira Dias Nunes. *The Evolution and Regulation of Venture Capital Funds*. 2012 Lex Research Ltd. 4.
11. Ломакин Д.В. Хозяйственные партнерства и параллельная "реформа" гражданского законодательства <http://center-bereg.ru/b3844.html> (Lomakin D.V. Economic partnerships and parallel "reform" of civil law)
12. Несмотря на некоторое сходство, LLC не стоит отождествлять с германскими GmbH и нашим ООО, как это делается иногда, в том числе и в англоязычной литературе.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.08 УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО–ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Бахтиёр Батирович Хидояттов,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия
кафедраси мудири

ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланиш масалалари

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф томонидан ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ҳамда мазкур жараёнда инновацион усул ва воситалардан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллифнинг амалдаги қонунчиликка ҳуқуқбузарликка қарши курашиш билан боғлиқ айрим ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича таклифлари ёритилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, профилактика қилиш, виктимология.

Бахтиёр Батирович Хидояттов,
Заведующий кафедрой Уголовное право
и криминалогия Ташкентского государственного
юридического университета

ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ И СРЕДСТВ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автором проанализирования вопросы применения инновационных методов и средств противодействия правонарушениям. Также автором раскрыты некоторые предложения по изменению и дополнению действующего законодательства, касающиеся противодействия правонарушениям.

Ключевые слова: правонарушение, противодействие правонарушениям,

предупреждение преступности, виктимология.

Baxtiyor Batirovich Khidoyatov,
Head of the Department
of Criminal Law and Criminology
of the Tashkent State University of Law

ISSUES OF USE OF INNOVATIVE METHODS AND MEANS OF COMBATING DELINQUENCY

ANNOTATION

In this article, the author analyzes the use of innovative methods and means of combating crime. And also the author highlights some proposals for amending and supplementing the current legislation regarding the fight against offenses.

Keywords: offenses, fight against misdemeanors, crime prevention, victimology.

For citation: Baxtiyor Batirovich Khidoyatov. ISSUES OF USE OF INNOVATIVE METHODS AND MEANS OF COMBATING DELINQUENCY. 2019, special vol., issue 3, pp. 80-87

К ишилик жамияти ривожланиб бориши билан ижтимоий хавфли қилмишларнинг, қонунлар қабул қилинганидан кейин эса, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш муаммолари вужудга келган. Афлотун (Платон) ва Арасту (Аристотель)ларнинг фикрича, жамиятда шахсни жиноят йўлидан қайтарувчи қонунлар ҳукмрон бўлиши зарур. Шунингдек, XVIII аср маърифатпарвар олимлари, хусусан Монтеस्कьенинг фикрича "ҳар қандай ҳокимият жиноят учун жазо белгилашни эмас, балки жиноятнинг олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи лозим"[1]. Ч.Беккариа ҳам ўзининг "Жиноят ва жазо тўғрисида"ги асарида жиноят учун жазо тайинлашдан кўра, уни олдини олиш маъқулроқ эканлигини таъкидлаган.

Неча асрлардан буён жиноятчиликнинг олдини олиш борасида фикр юритилаётган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам ушбу мавзу ўз долзарблиги йўқотмаган. Шу боисдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазибалардан бири саналади.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2.4. банди ҳам жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган[2].

Криминологияга оид адабиётларда жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси ҳақида кўп фикр юритилади, лекин мазкур тушунчанинг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмаслиги айтиб ўтилади. Бу борада М.Усмоналиев ҳамда Й.Каракетовлар фикр юритиб, криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш деганда, жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ жиноятларни аниқлаш, уларни камайтириш, шароит ва сабабларни бартараф қилишга қаратилган ҳамда шахсларнинг яшаш муҳити ёки хулқи жиноят йўлига ўтиб

қолиши ёки жиноий фаолиятга қайтаришига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга қаратилган кўп босқичли давлат ва жамоат чоралари тизими тушунилади, шунингдек бу чоралар тизимини криминология фани криминологик тадқиқотлар олиб бориш орқали ишлаб чиқади ва тавсия қилади[3], деб таъкидлайди.

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш деганда, жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ жиноятларни аниқлаш, уларни камайтириш, шароит ва сабабларни бартараф қилишга қаратилган ҳамда шахсларнинг яшаш муҳити ёки хулқи жиноят йўлига ўтиб қолиши ёки жиноий фаолиятга қайтаришига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга қаратилган кўп босқичли давлат ва жамоат чоралари тизими тушунилади, шунингдек бу чоралар тизимини криминология фани криминологик тадқиқотлар олиб бориш орқали ишлаб чиқади ва тавсия қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонунида эса жиноятчиликни олдини олиш эмас балким ҳуқуқбузарликлар профилактикасига "ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими", деб белгиланган[4].

Таъкидлаш ўринлики, кўплаб криминолог олимлар қарашларида мустаҳкам ўрин олган жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини умумижтимоий ва махсус чораларга ажратиш тўғрисидаги таълимотга асосан, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш жиноятининг олдини олишнинг умумижтимоий ва махсус чораларини фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги давр тараққиёти иқтисодиёт тармоқларидагина эмас, балки ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига ҳам инновацион ёндашувларни татбиқ этиш заруратини туғдирмоқда. Турли соҳаларда "инновация" тушунчаси кейинги пайтларда кенг қўлланила бошланди. Инновация ўзи нима? Луғавий жиҳатдан "инновация" тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (innovation) "янгилик киритиш" деган маънони англатади.

"Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"да инновация "техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар" ҳамда "илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши"[5] сифатида баён этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишдаги инновацион ёндашувни ушбу соҳага техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун маблағ сарфлаш, мазкур соҳага илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби янгиликларни жорий этилиши сифатида тушуниш мумкин деган хулосага келиш мумкин.

Бугунги кунга қадар юртимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-

тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга, шунингдек жойлардаги жиноятчилик кўрсаткичларини қисман яхшилашга эришилди.

Халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатда криминоген вазиятни яхшилаш ижтимоий-иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Бу борадаги ишларга тўхталар экан, давлатимиз раҳбари Мурожаатномада "Биз қанчалик қийин бўлмасин, чекка-чекка ҳудудларда ҳам "Жиноят ҳақиқати ва адолати" тамойилини албатта жорий этишимиз керак. Яъни жиноят сўзсиз фош этилиши ва айбдор жазоланиши шарт. Бу масалага фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси, деб қарамасдан, бутун жамиятимиз бирлашиб, қаттиқ кураш олиб бориши зарур[6]", деб таъкидлади.

Республикада тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлаш мақсадида кейинги икки йилда 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилди.

Ички ишлар органлари ходимларининг 65 фоизи маҳаллаларда фаолият кўрсатадиган бўлди. Шунингдек, "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз хонадон" тизимлари жорий этилгани, 24 соат патрулик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда "адолат ва қонун устуворлиги"га ишонч тобора мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, кўрилган чоралар натижасида 2018 йилда жиноятчиликнинг 33 фоизга камайишига эришилди.

Бироқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек бу борадаги инновацион ёндашувнинг етишмаслиги каби омиллар мазкур тизимнинг ҳозирги давр талабларига жавоб бермаслигидан далолат беради.

Афсуски, жамият аъзолари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикаси фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаши ва бу борадаги ташаббускорликнинг етишмаслиги соҳада амалга оширилаётган ишлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида 2017 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2833-сонли қарори қабул қилинди[7]. Мазкур қарорда ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари - видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, энг

аввало, мавжуд ижтимоий вазиятни яхшилаш, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали машғулотларга фаол жалб этиш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳолатига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасига жалб этилган фуқаролар ва жамоат ташкилотларини моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш амалиётини жорий этишни талаб этади.

Бундан ташқари, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишлари сифатини ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" этиб белгиланди. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" доирасида қонунийлик аҳволини ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабулларини ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этилмоқда, ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлислари ўтказилмоқда.

Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтаришда сайёр суд мажлисларини ўтказиш ижобий самара беради. Шунингдек, сайёр судлар орқали судьяларнинг халқ билан яқинлашуви ҳамда уларнинг аҳоли вакиллари билан бевосита мулоқот қилишлари ўзига хос тарбия ва ибрат вазифасини ўтайди, жиноят учун жазо муқаррарлигини амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Негаки, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда ушбу усулни қўллаш анча самарадор ва кенг жамоатчилик ва аҳоли вакилларини қамраб олади.

Ўтган давр мобайнида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мазкур мухтасар илмий иш нафақат илмий, балки амалий аҳамият касб этганлигини инобатга олиб, шунингдек жойларда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишда инновацион усул ва воситаларни қўллаш юзасидан қуйидаги илмий-амалий таклифлар қуйида келтирилган жадвал шаклида ишлаб чиқилди. Мазкур жадвалда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишда инновацион усул ва воситаларни қўллаш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф, уни амалга ошириш механизми ҳамда пировардда эришиладиган натижалар ҳам акс эттирилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида замонавий инновацион усулларни қўллаш мақсадида қуйидаги йўналишларда иш ташкил этилиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, кўп содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга мўлжалланган мобил иловалар тайёрлаш ҳамда уларни бепул юклаб олинадиган шаклда Интернет тармоғи (Google Play, App Store)га

жойлаштириш;

иккинчидан, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Бош прокуратура билан ҳамкорликда уяли алоқа компаниялари абонентларига ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мазмунидаги SMS хабарнома юбориш.

Махсус мобил иловаларда кўп содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жабрланувчи бўлиб қолишдан сақланиш, шунингдек йўл ҳаракати қоидалари, ис газидан заҳарланиш ва бошқа вазиятларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги кўрсатилади.

Махсус мобил иловаларнинг Интернет тармоғига жойлаштирилиши уларни кенг аҳоли вакилларига тарқатилишини осонлаштиради. Шунингдек, аҳоли орасида умумий профилактикани самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари билан тезкор боғланиш онлайн платформасини йўлга қўйиш ҳам анча самарадор ҳисобланади.

Бунда маҳалла, қишлоқ, сектор, туман, вилоят миқёсида профилактика инспектори билан тезкор боғланиш мақсадида ҳудуд харитаси ва унда фаолият олиб бораётган профилактика инспектори маълумотлари киритилган онлайн платформа (Yandex Taxi мобил иловаси сингари) ишга туширилади. Фуқаролар онлайн платформанинг чақирув тугмасини босиш орқали ўзига яқин масофада хизмат олиб бораётган профилактика инспекторига тезкор хабар (телефон кўнғироғи, SMS) юборади. Онлайн платформани йўлга қўйиш орқали фуқароларда содир этилган ҳуқуқбузарлик (жиноятчилик) тўғрисида ўз вақтида дарҳол хабар бериш, ўзига яқин масофада хизмат олиб бораётган профилактика инспекторини аниқлаш имкониятини яратади, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни "иссиқ изи"дан очишга хизмат қилади.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида чорва ҳайвонлари ўғирлиги ҳолати динамикаси ортганлиги сабабли бу турдаги жиноятларни профилактика қилиш йишқўналишида чорва ҳайвонларига GPS датчиклар ўрнатиш, махсус тамға қўйиш амалиётини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда чорва ҳайвонларига уларнинг ҳаракатланаётган ҳудудини аниқлаш имконини берувчи GPS датчик (TK 909, RF-V26, TK-STAR, IP 66)лар, шунингдек мушакости радиочастотали идентификация чипи ўрнатилади. Шунингдек, чорва ҳайвонлари танасига мулкдорнинг махсус тамғасини ўрнатиш орқали уларнинг алоҳида реестри юритилади. Чорва ҳайвонларига GPS датчиклар ўрнатиш, махсус тамға қўйиш чорва ҳайвонларининг ҳаракатланиш ҳудудини аниқлашни осонлаштиради. Махсус тамғалар асосида чорва ҳайвонларининг реестрини юритиш уларнинг ҳақиқий эгасининг аниқлаш, мулкдор ўзгарганида улар шахсига аниқлик киритишга, шунингдек чорва ҳайвонлари ўғирлигининг олдини олишга хизмат қилади.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, жумладан ўлим билан яқунладиган ЙТХнинг олдини олишда қўйидаги инновацион усулларни қўллаш таклиф этилади:

пиёдалар ўтиш йўлаги ва йўл белгиларининг кўринарли бўлишини таъминлаш мақсадида пиёдалар ўтиш йўлаги ва йўл белгилари ҳошияларини ёритиш;

тунги вақтда транзит ўтувчи транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхтаб туриши ва дам олиши учун махсус пунктлар ташкил этиш;

ички ҳамда халқаро аҳамиятга эга трассаларда тебраниш (вибрация) келтириб

чиқарувчи махсус нотекис сатҳли йўл қопламаси ўрнатиш.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, жумладан ўлим билан яқунланадиган ЙТХнинг олдини олишда инновацион усулларни жорий этишнинг профилактик самарадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

авария ўчоқларида тунги ёритиш чироқлари, фоторадар ва йўл патруль хизмати автомашиналари муляжларини ўрнатиш ҳайдовчилар ҳушёрлигини оширишга, шунингдек уларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишларига, тезликни белгиланган меъёрдан оширмаслиги ҳамда пиёдалар ўтиш йўлаги ва йўл белгилари ҳошияларини ёритиш уларнинг узоқ масофадан кўриниб туришини таъминлайди;

тунги вақтда транзит ўтувчи транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхтаб туриши ва дам олиши учун махсус пунктлар ташкил этиш транзит ўтувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари хавфсизлигини таъминлашга, улар иштирокида ЙТХ содир этилишининг камайишига олиб келади.

Қолаверса, ички ҳамда халқаро аҳамиятга эга трассаларда тебраниш (вибрация) келтириб чиқарувчи махсус нотекис сатҳли йўл қопламаси ўрнатиш эса ҳайдовчиларнинг чарчоқ ҳолатида транспорт воситалари бошқарувини йўқотиш, шунингдек уларнинг йўл четига чиқиб кетган ҳолларда ҳушёрликни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан қаралганда, бизнингча, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бугунги босқичида "Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш Концепцияси"ни ишлаб чиқиш ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ушбу қонун лойиҳада айрим жиноий қилмишларни декриминализация қилиш, ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини жорий этиш, кўп содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар (40, 41, 52, 187-модда ва бошқ.) учун маъмурий қамоқ жазосини қўллаш имкониятини кенгайтириш ва маъмурий назоратга олиш қоидаларини такомиллаштириш билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартишлар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Бундай ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши айрим жиноий қилмишларни декриминализация қилиш, шахсни маъмурий жавобгарликка тортишда ярашув институтини жорий этиш, маъмурий жазолар таъсирчанлигини ошириш, маъмурий назоратга олиш қоидаларини такомиллаштириш билан бир қаторда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Криминология. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. - Тошкент., Академия ноширлик маркази, 2007. - Б. 274 (Criminology. Textbook. Authors' Team. - Tashkent, Academy Publishing Center, 2007. - P. 274.).

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-

модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда (Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, 2017, № 6, Article 70, № 20, Article 354, № 23, Article 448, № 37, Art.982).

3. Усмоналиев М., Каракетов Ў. Криминология: Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ, 2001. -Б.248 (Usmonaliev M., Karaketov U. Criminology: Textbook. - Tashkent: TSIL, 2001. -P.248).

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда (Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, № 20, 2014, Article 221; 2015, № 32, Article 425; 2016, Issue 52, Art. 597; 2017, № 37, Art.978).

5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002. - 169-бет (The National Encyclopedia of Uzbekistan. Zebuniso-Konigil / Volume 4. Members of the Editorial Board: M. Aminov and others. - T.: State scientific publishing house "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2002. - p. 169).

6. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 10 январь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 7-сон ички ишлар бўлимига ташрифи чоғидаги нутқи// www.president.uz (Speech of the President Sh.Mirziyoev on January 10, 2018, visit to the Police Department № 7 in Yunusabad district of Tashkent // www.president.uz).

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, № 12, Art.184).


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.02 КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО**

Фазилов Икром Юсупович,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
хизмат бошлиғи ўринбосари,
юридик фанлар доктори

Ганиев Шерзод Алишерович
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
департамент бошлиғи ўринбосари,
юридик фанлар доктори

**ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИНОЯТ КОДЕКСИ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ,
ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ, МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА
МУНДАРИЖА ҚИСМИНИ КИРИТИШ ҲАМДА
МОДДАЛАРНИНГ ҚИСМЛАРИ ВА БАНДЛАРИНИ
РАҚАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ЖИНОЯТ КОДЕКСИ
МИСОЛИДА)**

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-14-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига мундарижа қисмини киритиш ҳамда моддаларнинг қисмлари ва бандларини рақамлаш масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси, Кодекснинг мундарижа қисми, Кодекс моддаларининг қисмлари ва бандларини рақамлаш.

Фазилов Икром Юсупович,
 Заместитель начальника службы
 Министерства внутренних дел
 Республики Узбекистан,
 Доктор юридических наук

Ганиев Шерзод Алишерович,
 Заместитель начальника управления
 Министерства внутренних дел
 Республики Узбекистан,
 Доктор юридических наук

**ВВЕДЕНИЕ ОГЛАВЛЕНИЯ В НОВЫЕ РЕДАКЦИИ
 УГОЛОВНОГО КОДЕКСА, УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО
 КОДЕКСА, УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО КОДЕКСА
 РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, КОДЕКСА ОБ
 АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРАВОНАРУШЕНИЯХ И ВОПРОСЫ
 НУМЕРАЦИИ ЧАСТЕЙ И АБЗАЦЕВ СТАТЕЙ (НА ПРИМЕРЕ
 УГОЛОВНОГО КОДЕКСА).**

АННОТАЦИЯ

В статье на основе передовой международной практики введено оглавление в новых редакциях Уголовного кодекса, Уголовно-процессуального кодекса, Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан, Кодекса об административных правонарушениях и вопросов нумерации частей и абзацев статей.

Ключевые слова: Уголовный кодекс, Уголовно-процессуальный кодекс, Уголовно-исполнительный кодекс, Кодекс об административных правонарушениях, Содержание кодекса, нумерация частей и пунктов статей кодекса.

Fazilov Ikrom Yusupovich,
 Deputy Head of Service
 of the Ministry of Internal Affairs
 of the Republic of Uzbekistan,
 Doctor of Law

Ganiev Sherzod Alisherovich,
 Deputy Head of Department
 of the Ministry of Internal Affairs
 of the Republic of Uzbekistan,
 Doctor of Law

**INTRODUCTION OF A TABLE OF CONTENTS IN THE NEW
 VERSIONS OF THE CRIMINAL CODE, THE CODE OF**

CRIMINAL PROCEDURE, THE CRIMINAL EXECUTIVE CODE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, THE CODE OF ADMINISTRATIVE OFFENSES AND THE ISSUES OF NUMBERING OF PARTS AND PARAGRAPHS OF ARTICLES (ON THE EXAMPLE OF THE CRIMINAL CODE).

ANNOTATION

In the article based on best international practices, introduction of a table of contents in the new versions of the Criminal Code, the Code of Criminal Procedure, the Criminal Executive Code of the Republic of Uzbekistan, the Code of Administrative Offenses and the issues of numbering of parts and paragraphs of articles are analyzed.

Keywords: Criminal Code, Criminal Procedure Code, Criminal Executive Code, the Code of Administrative Offenses, the Contents of the Code, numbering of parts and paragraphs of articles of Code.

For citation: Fazilov Ikrom Yusupovich, Ganiev Sherzod Alisherovich. INTRODUCTION OF A TABLE OF CONTENTS IN THE NEW VERSIONS OF THE CRIMINAL CODE, THE CODE OF CRIMINAL PROCEDURE, THE CRIMINAL EXECUTIVE CODE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, THE CODE OF ADMINISTRATIVE OFFENSES AND THE ISSUES OF NUMBERING OF PARTS AND PARAGRAPHS OF ARTICLES (ON THE EXAMPLE OF THE CRIMINAL CODE). 2019, special vol., issue 3, pp. 88-94

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони [4] билан тасдиқланган "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Хусусан, унда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлаштириш - қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида назарда тутилган (2.3-банди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори [2] билан "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси" тасдиқланган. Унда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишлари назарда тутилган. Шунингдек, ушбу қарорда 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаларини киритиш белгиланган (4-банди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қароридан 2020 йил 1 июнга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда киритиш вазифаси

белгиланган (8-банди) [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони [1] билан тасдиқланган "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 44-бандида 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ҳозирги вақтда ушбу кодексларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари бўйича таклиф ва тавсияларни билдириш, янги илмий қарашларни илгари суриш норма ижодкорлиги фаолияти учун дозарб амалий аҳамият касб этади.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси"да белгиланган жиноят қонунчилигини халқаро стандартларга унификация қилинганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш (1.1-банди), Жиноят кодексидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар, қарама-қаршиликлар ва "оқ доғлар"ни бартараф этиш (1.3-банди), жиноят қонунчилигини жаҳон ҳамжамиятининг жадал ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш, миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда жиноят қонунчилигига илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш (3-банди) каби вазифалар янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг лойиҳаси структурасини қонунчилик техникаси замонавий талабларига мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Жиноят кодексида мундарижа қисмининг мавжуд эмаслиги қонунчилик техникаси замонавий талабларига мувофиқ келмайди.

Аксарият хорижий давлатлар Жиноят кодексида мундарижа қисми назарда тутилган (Албания Пенал кодекси, АҚШ Калифорния штати Пенал кодекси, Беларус Жиноий кодекси, Германия Жазо кодекси, Жазоир Пенал кодекси, Испания Пенал кодекси, Италия Пенал кодекси, Канада Криминал кодекси, Малайзия Пенал кодекси, Озарбайжон Жиноят кодекси, Сингапур Пенал кодекси, Франция Пенал кодекси, Ҳиндистон Пенал кодекси).

Хорижий давлатлар Жиноят кодексининг мундарижа қисмида унинг қисмлари, бўлимлари ва боблари назарда тутилган, шунингдек мундарижа қисмида:

- моддаларнинг номлари ва рақамлари кўрсатилмаган (Испания Пенал кодекси, Франция Пенал кодекси);

- бобларнинг номланишида тегишли моддаларнинг рақамлари кўрсатилган (Албания Пенал кодекси, АҚШ Калифорния штати Пенал кодекси, Жазоир Пенал кодекси, Италия Пенал кодекси, Озарбайжон Жиноят кодекси);

- моддаларнинг номлари ва рақамлари кўрсатилган (Беларус Жиноий кодекси, Германия Жазо кодекси, Канада Криминал кодекси, Малайзия Пенал кодекси, Сингапур Пенал кодекси, Ҳиндистон Пенал кодекси).

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасига мундарижа қисмини киритиш таклиф этилади. Мундарижа қисмини киритилиши Кодекснинг фойдаланишга қулай бўлишини таъминлайди, шунингдек, унинг матнини қонунчилик техникасининг замонавий талабларига янада мувофиқлаштиради.

Янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг мундарижа қисмида унинг қисмлари, бўлимлари ва бобларининг рақамлари ва номларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, Кодексининг мундарижа қисмидаги бобларнинг номланишида тегишли моддаларнинг рақамларини ҳам кўрсатилиши таклиф этилади. Мундарижа қисмида моддаларнинг номлари ва рақамлари батафсил кўрсатилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу Кодекс матнининг асосиз равишда кенгайиб кетишига олиб келади.

Жиноят кодекси моддаларининг қисмлари рақамланмаганлиги қонунчилик техникаси замонавий талабларига мувофиқ келмайди. Шунингдек, тегишли нормалар модданинг қайси қисмида эканлигини аниқлашда, айниқса битта қисм икки ёки ундан ортиқ гапдан иборат бўлган ҳолларда қийинчилик туғдиради.

Аксарият давлатлар Жиноят кодекси моддаларининг қисмлари рақамланган (АҚШ Калифорния штати Пенал кодекси, Беларус Жиноий кодекси, Германия Жазо кодекси, Грузия Криминал кодекси, Индонезия Пенал кодекси, Испания Пенал кодекси, Канада Криминал кодекси, Корея Республикаси Криминал кодекси, Латвия Криминал кодекси, Малайзия Пенал кодекси, Мексика Пенал кодекси, Молдова Пенал кодекси, Озарбайжон Жиноят кодекси, Россия Уголовный кодекси, Сингапур Пенал кодекси, Туркменистон Жиноят кодекси, Туркия Жазо кодекси, Тожикистон Жиноий кодекси, Франция Пенал кодекси, Япония Пенал кодекси, Қирғизистон Жиноий кодекси, Қозоғистон Жиноий кодекси, Ҳиндистон Пенал кодекси).

Хусусан, Жиноят кодекси моддаларининг қисмлари:

- рақамдан олдин ва кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда араб рақамлари [(1)] билан (Индонезия Пенал кодекси, Малайзия Пенал кодекси, Туркменистон Жиноят кодекси, Туркия Жазо кодекси, Корея Республикаси Криминал кодекси, Германия Жазо кодекси, Сингапур Пенал кодекси, Япония Пенал кодекси, Ҳиндистон Пенал кодекси, Латвия Криминал кодекси, Молдова Пенал кодекси, Канада Криминал кодекси);

- рақамдан кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда араб рақамлари [1)] билан (Тожикистон Жиноий кодекси);

- рақамдан кейин нуқта қўйилган ҳолда араб рақамлари [1.] билан (Қирғизистон Жиноий кодекси, Қозоғистон Жиноий кодекси, Беларус Жиноий кодекси, Грузия Криминал кодекси, Испания Пенал кодекси, Россия Уголовный кодекси);

- рақамлардан кейин нуқта қўйилган ҳолда иккита араб рақамлари [1.1.] билан (Озарбайжон Жиноят кодекси);

- рақамдан кейин нуқта қўйилган ҳолда рим рақамлари [I.] билан (Франция Пенал кодекси);

- рақамдан кейин нуқта ва тире қўйилган ҳолда рим рақамлари [I.-] билан (Мексика Пенал кодекси);

- ҳарфдан олдин ва кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда ҳарфлар [(a)] билан (АҚШ Калифорния штати Пенал кодекси) рақамланган.

Жиноят қонунчилиги нормаларини янада тизимлаштириш ва ундаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасида моддаларнинг қисмларини рақамдан кейин нуқта қўйилган ҳолда араб рақамлари билан [1.] рақамлаш (бир қисмдан иборат моддалар бундан мустасно) таклиф этилади. Бу эса, Кодексининг фойдаланишга қулай бўлишини таъминлаб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида нормаларнинг тўғри ва бир хилда

қўлланилишига хизмат қилади.

Жиноят кодекси моддалари қисмларининг бандлари ҳарфдан кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда ҳарфлар [а] билан рақамланганлиги қонунчилик техникаси замонавий талабларига тўлиқ мувофиқ келмайди. Кодекс моддалари қисмларининг бандлари алифбо тартибида ҳарфлар билан рақамланганлиги ҳарфлар билан рақамлаш, ҳарфни рақам сифатида қабул қилиш нечоғлик тўғри, деган асосли саволни юзага келтиради.

Бандларнинг ҳарфлар билан рақамланиши, ҳарфларнинг эса алифбо тартибида жойлаштирилиши Кодексни бошқа тилга таржима қилишда, шу жумладан, бошқа алифбога, масалан кириллдан лотин алифбосига ўтказишда ноқулайликларни юзага келтиради. Масалан, алифбодаги учинчи ҳарф - кирилл алифбосида "в", лотин алифбосида "d", рус алифбосида "в", инглиз алифбосида "с" эканлигини инобатга олсак, битта банд турли алифбода турлича номланади (битта банд рақамда эса турли тилларда бир хил, масалан 3-банд деб аталади).

Аксарият давлатлар Жиноят кодекси моддалари қисмларининг бандлари ҳарфлар билан эмас, рақамлар билан рақамланган (АҚШ Калифорния штати Пенал кодекси, Беларус Жиноий кодекси, Германия Жазо кодекси, Жазоир Пенал кодекси, Индонезия Пенал кодекси, Италия Пенал кодекси, Корея Республикаси Криминал кодекси, Латвия Криминал кодекси, Озарбайжон Жиноят кодекси, Франция Пенал кодекси, Хитой Криминал кодекси, Япония Пенал кодекси, Қирғизистон Жиноий кодекси, Қозоғистон Жиноий кодекси).

Хусусан, Жиноят кодекси моддалари қисмларининг бандлари:

- рақамдан кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда араб рақамлари [1] билан (Қирғизистон Жиноий кодекси, Қозоғистон Жиноий кодекси, Беларус Жиноий кодекси, Латвия Криминал кодекси, Италия Пенал кодекси);

- рақамдан олдин ва кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда араб рақамлари [(1)] билан (АҚШ Калифорния штати Пенал кодекси);

- рақамдан кейин нуқта қўйилган ҳолда араб рақамлари [1.] билан (Корея Республикаси Криминал кодекси, Германия Жазо кодекси, Хитой Криминал кодекси);

- рақамдан кейин вергул қўйилган ҳолда араб рақамлари [1st,] билан (Индонезия Пенал кодекси);

- рақамдан кейин тире қўйилган ҳолда араб рақамлари [1 -] билан (Жазоир Пенал кодекси);

- араб рақамлари [1] билан (Франция Пенал кодекси)

- рақамлардан кейин нуқта қўйилган ҳолда учта араб рақамлари [1.1.1.] билан (Озарбайжон Жиноят кодекси);

- рақамдан олдин ва кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда рим рақамлари [(I)] билан (Япония Пенал кодекси) рақамланган.

Мухтасар қилиб айтганда, жиноят қонунчилиги нормаларини янада тизимлаштириш ва ундаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасида моддалар қисмларининг бандларини рақамдан кейин доирасимон қавс қўйилган ҳолда араб рақамлари билан [1] рақамлаш таклиф этилади. Кодекс моддаларининг қисмлари ва бандларини рақамланиши унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, айниқса прим қисм ва бандларни киритишда қулайлик яратади. Масалан, 11-қисми, 11)-банди. Миллий амалиётда модданинг битта қисми ёки банди ўзгарса унинг бошқа қисмлари ёки

бандларининг рақамланишини ҳам ўзгариши (қайта рақамланиши) кузатилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига мундарижа қисмини киритиш ҳамда моддаларнинг қисмлари ва бандларини рақамлаш таклиф этилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони [Электрон манба] // URL: <http://lex.uz> (мурожаат қилинган вақт 23.10.2019) (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 17, 2019 "PF-5635" On the State Program on Implementation of the Strategy of Action on the Five Priorities of Development of the Republic of Uzbekistan in the Year of Active Investment and Social Development for 2017-2021 " // URL: <http://lex.uz> (accessed 23.10.2019)).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори [Электрон манба] // URL: <http://lex.uz> (мурожаат қилинган вақт 23.10.2019) (The Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 14, 2018 № PP-3723 "On Measures to Radically Improve the System of Criminal and Criminal Procedure Law" [Electronic source] // URL: <http://lex.uz> (accessed 23.10.2019)).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарори [Электрон манба] // URL: <http://lex.uz> (мурожаат қилинган вақт: 23.10.2019) (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On Measures to Improve the Criminal-Executive Legislation" of November 7, 2018 N PP-4006 [Electronic source] // URL: <http://lex.uz> (accessed 23.10.2019)).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони [Электрон манба] // URL: <http://lex.uz> (мурожаат қилинган вақт 23.10.2019) (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy of Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" of February 7, 2017, PF-4947 [Electronic source] // URL: <http://lex.uz>).



Tadqiqot UZ

ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

МАХСУС СОҲ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000